ДАСТУРХОН ТЎКИН, ФАЙЗЛИ, РАНГ-БАРАНГ БЎЛСИН!

ХЎШ, БУНГА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЭРИШМОҚ МУМКИН?

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

1988 йил 23 август
СЕШАНБА
№ 191 (4.387).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XI пленуми олдидан

ВЕТЕРАН МУЛОҲАЗАСИ

ПАХТА БИЛАН ФАХРЛАН, БОШҚАСИНИ ҲАМ УНУТМА

Жавод КУЧИЕВ,

Ленин мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, учта Ленин ордени соҳиби, Комсомол районидаги «Коммунизм» колхози правлениеси раиси



«Мирзачўл берадиганини бериб бўлди, ерларини шўр босиб кетмоқда, унумдорлиги тинмай пасайиб бормоқда» деган фикрни тез-тез эшитишга тўғри келади. Шахсан мен бундай гапларга тўла қўшила олмайман, гарчи бироз ҳақиқат бўлса ҳам. Нега деганда, экин навларини алмаштираверіб, у ёки бу агротехниканы сўраб-суриштирмай қўлланаверіб, ернинг тинка-мадорини қуритиб юбордик. Амалпарастлар раъйига қараб иш тутиш бизга жуда қимматга тушди.

Қизиқ, деҳқонга кимлар кўрсатма бермади?! Юқоридан келадиган тавсиялар, инструкциялар, баъзан эса қатъий буйруқларнинг ниҳояси кўринмасди. Пировард натижада нима бўлди? Ер, сув, давлат маблағлари исрофланишига йўл қўйилди. Кўрпаққа кимдир ўгай кўз билан қарады, бошқа бировлар эса ундан каттароқ амалга миниш учун ўзига хос парвоз майдончаси сифатида фойдаландилар.

Хўш, қўриқ бугунги кунда эл-юртга бирон нарса бера оладими? Менга қолса, ҳа, деб жавоб қилган бўлардим. Ўз хўжалигимизни олиб кўрайлик. 1971 йилдан буён колхозимиз ҳар йили 1 миллион сўмга яқин фойда олиб келади. Биз ўзимизни ўзимиз маблағ билан таъминлаймиз, давлатдан бирор тийин ҳам олмаймиз. Деярли барча тармоқлар — полизчилик, чорвачилик, сабзавотчилик рентабелли, пахтачилик ҳақида гапириб ўтирмайман. Кимдаким сўзларимга ишонмаса, майли келсин, ҳеч нарсани сир тутмай, ҳаммасини кўрсатиб, гапириб берамиз.

Хўжалигимиз муваффақиятларининг сирсиноати қаерда? Агар агроном нуқтаи назаридан баҳо берадиган бўлсак, алмашлаб экишда. Биз уни тўлиқ ўзлаштирганмиз. Чорва молларимиз емишининг кўплиги, қўриқ ерларимизни шўр босмаётганлиги сабаби ана шунда.

Бир неча рақам келтираман. Колхозимиз давлатга сут етказиб бериш планини муддатидан илгари бажарди. Заводга 400 тоннага яқин маҳсулот топширдик. Ҳар центнер сутнинг таннархи пландагига қараганда 5 сўм арзонлаштирилди. Гўшт топшириш соҳасидаги ишларимиз ҳам дуруст бораяпти. Бунга ем-хашак озуқа цехларида бойитилаётгани туфайли эришмоқдамиз. Чорва моллари рационида ширали озуқа асосий ўрин тутади. Мўлжалимча, йил охиригача биз давлатга яна камида 200 тонна сут топширамиз. Демак, чорвадорларимизнинг ўзлари колхозга 40—50 минг сўм атрофида фойда келтирадилар.

Ишимизда қусурлар ҳам йўқ эмас. Ҳанузга қадар 25 минг товуққа мўлжалланган парранда фермасини тўла қувват билан ишлата олмаяпмиз. Махсус озуқа йўқ. Сарф-харажатлар кўпайиб кетаётганлиги, маҳсулот сифати кўнгилдагидай эмаслигининг боиси шунда. Ҳамма айб биз ҳамон ялпи миқдорга сиғиналётганимизда.

Ўтган йили хўжалигимизда бошоқли экинлар, маккажўхори ҳосилини тўла йиғиштириб олиб, рапорт йўллашга шошилдик. Тўғрироғи, область бошлиқлари ҳам қистовга олиб, ҳоли-жонимизга қўйишмади. Натижа нима бўлди? Икки мингтадан ортиқ товуқни боқишга қийналиб қолдик. Илгари пайтларда омихта емни пахта сотиш эвазига олиб турган бўлсак, эндиликда бундай тартиб бекор бўлган. Шундай қилиб, қизиқ вазиятга тушиб қолаяпмиз: колхоз ўз донининг охирги миқолигача давлатга топширади, сўнгра емни икки баравар қимматига сотиб олади. Мен унинг сифати ҳақида гапириб ўтирмайман, чунки ҳар қандай танқид ҳам кор қилмайди.

Бу йил вазият бирмунча ўзгарди. Дон экиладиган майдонларни 100 гектар кенгайтирдик. Ҳар гектардан ўртача 43 центнер дан ҳосил олдик. Анор Аъзамов бригадаси ўзини кўрсатди — гектар ҳисобига 50 центнердан хирмон кўтарди. Ем учун 397 тонна дон жамғариб қўйдик. Паррандаларни боқишимиз учун асқотади, деб ўйлайман. Ем тайёрлаш ўзимизнинг ҳам қўлимиздан келади.

Маккажўхори экилган майдонлардан умидимиз катта. Пояларини қишга ғамлаб қўймоқдамиз. Ем учун 425 тонна сўтаси билан дон қолдирамиз. Шунда ҳам давлат планлари ортиғи билан бажарилади. Мен юқорида тилга олган аҳвол эндиликда ўзгаришига сабаб нима? Жавоби оддий: планга қўшимча маҳсулот топширасан, деб юқоридан тазйиқ ўтказиш йўқолди.

Биз кўпдан буён ҳал этолмаётган яна бир муаммо бор. Серқуёш ўлкамизнинг барча хўжаликлари пилла етиштирадилар. Бироқ бу соҳага кетган харажатлар чорвачилик ҳисобига қўшилади. Бу эса қорамоллар семиришига оғир юк бўлиб тушмоқда. Бир неча бор биз ана шундай тартибсизликка барҳам беришни сўраб юқори ташкилотларга мурожаат этдик, Пилла етиштириш сарф-харажатлари учун махсус модда бўлиши зарур. Аммо ҳозирча тақлифларимиз инобатга олинмаяпти.

Колхознинг бирон-бир ҳисоботга киритиб бўлмайдиган натижалари ҳам бор. Кейинги уч йил мобайнида шахсий хўжаликлар сони кескин даражада кўпайди. Ҳозирги пайтда деярли ҳар бир хонадоннинг ўз томорқаси, моли бор. Кўпчилик колхоз билан шартнома тузиб новвосларни бўрдоқига боқмоқда. Қишлоқ аҳолиси ихтиёридаги қорамоллар колхоз фермасидагига қараганда икки баравар кўп. Бу яхши, албатта. Чўлқувар тўқ ва фаровон яшайверсин, маҳсулотининг ортиқчаси бари бир давлатники.

Колхоз ҳам одамларни қўллаб-қувватламоқда. Имтиёзли баҳоларда пичан, похол, силос сотмоқда. Бир тонна пичан — 50 сўм, маккажўхори пояси ва похол—10, силос—15 сўм. Кўриб турибсизки, қиммат эмас. Кўпболали оилалар мол боқишга бажонидил рози бўлмоқдалар. Улар учун бу — қўшимча даромад манбаи. Масалан, сувчи Абдураҳмон Бобобеков оиласи тўрт сигир, олтита бузоқ ва сўкимга буқа, 20 тагача қўй боқади. Ҳар йили давлатга бир неча тонна гўшт, минглаб литр сут топшириб келмоқда. Бир ўқ билан икки қуённи овлаш деган гапнинг маъносини худди шу ерда англаш мумкин: давлатга ҳам фойда, катта оила дастурхони ҳам тўкин. Бу хонадонни керагича ем-хашак, ҳовлисида қўшимча иморатлар қуриш учун бинокорлик материаллари билан таъминламаслик мумкинми?! Самараси яққол кўриниб турибди: бу йил шахсий хўжаликлардан давлатга 60 тонна сут, 38 тонна гўшт етказиб берилади.

Чамаси, юрагимдаги гапларнинг ҳаммасини гапириб бўлганга ўхшайман. Яна таъкидламоқчиман: йил яхши келди. Бизни силташлар, бўлар-бўлмасга чақиришлар, ақлини пешлашлар кескин даражада камайди, хўжалик ходими ташаббус кўрсатиши учун имконият яратиб берилмоқда. Қайта қуриш жараёни худди совуқ сув сепгандек баъзи бошлиқларнинг ҳушини жойига келтирмоқда. Бу ижобий ҳол деб ўйлайман. Хўжалик ходими қачон экиш, қачон йиғиб олишни билмайдиган овсар эмас. Ҳозирги пайтда олға томон яна бир қадам ташлаш — ерни ижарага бериш лозим. Қўриқ ўзининг ҳақиқий соҳибига эга бўлсин.

Қисқаси, ерга муҳаббат, омилкорлик билан муносабатда бўлсангиз, у ҳам сиздан ўз саховатини аямайди. Биз Мирзачўлга инсоннинг асрий орзусини амалга оширишга — боғ-роғлар ўстиришга, қўриқ ўлкани ям-яшил далалар билан безашга келганмиз. Шундай экан, ҳақиқий фарзанд бўлиб иш юритайлик.

Суҳбатни С. КУМАНИКИН ёзиб олди.

Сирдарё области.

ДЕҲҚОНЧИЛИК АХБОРОТИ

БАЛИҚЧИ

Ҳар гектар ердан 40 центнердан оқ олтин етиштирамиз! — «Победа» колхозининг коммунист Замира Паттахонова бошлиқ бригадаси аъзолари шундай мажбурият олишган. Айни пайтда ғўза парваришн уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда. Ниҳоллар ҳозирга қадар олти марта ишловдан чиқарилди, уч маротаба сувга қондирилди. Дала ишларида механизатор Ҳасан Ҳолмирзаев, сувчилардан Мирза Каримов, Тожибой Қамбаров ғайрат кўрсатмоқдалар.

Шунингдек, Долим Тожибоев, Пўлат Қаландаров, Эркин Абдулҳақов бошлиқ бригадаларда ҳам ғўзалар серҳосил қилиб ўстирилаяпти.

С. ЙИГИТАЛИЕВ, У. МИРЗААҲМЕДОВ.

ТОШКЕНТ РАЙОНИ

Навоий номли колхоз деҳқонлари истеъмолчиларга 11 минг тонна сабзавот, 1.700 тонна картошка, кўплаб бошқа турдаги маҳсулотлар етказиб беришга бел боғлашган. 395 гектарда сабзавот экинлари, 130 гектарда картошка ўстирилиб, юқори ҳосил етиштирилди. Шу кунларда йиғим-терим авжида. Ноз-неъмат бунёдкорлари эл дастурхонига сара маҳсулотлар тортиқ этиш пайнда бўлмоқдалар. Социалистик мусобақада Солиҳ Валиев, Акбар Тошхўжаев, Олим Однлов, Юсуф Исломов бошлиқ бригадалар пешқадам.

Т. ЖЎРАЕВ.





Киров районидаги «Партия XXVI съезди» совхози боғбонлари йиллик планни муддатидан илгари оширіб бажардилар. Эл дастурхонига мўлжалдаги 252 тонна ўрнига 280 тонна мева тортиқ қилинди. Боғларда ҳали ҳосил мўл, йиғим-терим қизғин давом этмоқда. Миришкорлар давлатга яна 80 тонна мева топширишни кўзлашаяпти.

СУРАТЛАРДА: 1. Боғдорчилик бригадаси бошлиғи Нўъмон Усмонов. 2. Илғор ишчилар Тожихон Эргозиева ва Санобар Мамаюсупова. Улар кунига 600—650 килограмм шафтоли термоқдалар.

Б. АЛИМОВ фотолари.

ДОЛЗАРБ МАВЗУДА МУСОҲАБА

ДАЛА— ПЕШТАХТА: НОБУДГАРЧИЛИКСИЗ ЙЎЛ

Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, сақлаш ва уни қайта ишлаш агросаноат комплексининг таркибий қисми ҳисобланади. Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети мева, узум, сабзавот-полиз маҳсулотлари ва картошка етиштириш, тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Маҳнам Камоловнч КАМОЛОВ билан мусоҳабамиз тармоқни устун даражада ривожлантириш, бу йўлдаги муаммолар ҳақида.

—Маълумки, партия XXVII съездида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан бирга ҳосилни йиғиштириш, ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш чоғида нобудгарчиликка йўл қўймаслик юзасидан қатъий чоралар кўриш зарурлиги уқтирилган эди. Бу тадбирлар озиқ-овқат ресурсларини тўлдиришнинг реал манбаи сифатида баҳоланаётганн бежиз эмас. Республикамизда ана шу имкониятлардан қандай фойдаланилмоқда?

— Ўзбекистон ерининг саховати шу заминда яшаётган ва ишлаётган ҳар бир кишига она меҳридай таниш. Лекин ҳеч кимга сир эмаски, сабзавот, мева, картошка сақланадиган янги омборлар етишмаслиги, эскиларининг нобоплиги, баъзан эса колхоз-совхозлар, қайта ишлаш саноати корхоналари раҳбарларининг бепарволиги ҳамда бўшанглиги туфайли неъматларнинг бир қисми нобуд бўлаяпти. Кўз олдингизда аъло сифатли маҳсулотнинг нобуд бўлишини кузатиб туриш алам қилади. Бунга ортиқча чидаб бўлмайди. Бутун ҳосилни сақлаб қолиш, даладан истеъмолчиларга нест-нобудсиз етказиш бугунги кунда ҳаммамиз учун долзарб ва муҳим вазифадир.

Бинобарин бу даъват ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда, амалий иш билан мустаҳкамланмоқда. Беш йилликнинг икки ярим йили мобайнида тармоқни ривожлантириш учун сарфланган капитал маблағлар ҳажми 113 миллион сўмни ташкил этди. Бу маблағлар корхоналарнинг ўз кучлари билан хўжалик ҳисоби усулида ўзлаштирилди. Шунингдек, олинган фойда ҳам шу мақсадга йўналтирилди. Натижада маҳсулотни сақлаш, қайта ишлаш, фан-техника тараққиёти ва мамлакатимиз ҳамда чет элдаги илғор тажрибалар асосида технологик жараёнлар такомиллаштирилди. Фақат 1987 йилдагина бир йўла 30 минг тоннадан знёд маҳсулот сақланадиган омборлар ишга туширилди. Эндиликда бундай қурилишлар миқёси икки ҳисса ошди. Хўжаликларнинг ишлаб чиқариш қувватлари билан корхоналар ўртасидаги номувофиқликни тезроқ тугатиш учун қайта ишлаш саноатини ривожлантириш чоралари кўрилаётир. Аксарият колхоз ва совхозлар интенсив технологияни ўзлаштиришга жиддий киришганликларини таъкидлаш лозим. Бу эса сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари, турли ошкўлардан барқарор ҳосил олинишини таъминлайди.

1988 йил 1 январга келиб Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитетига қарашли қайта ишлаш саноати корхоналарининг қуввати 1 миллиард 132 миллион шартли банка ишлаб чиқара оладиган даражага етди. Жорий йил плани ҳам шундай. Газетхонга тушунарли бўлиш учун шуни айтай: миллион шартли банка 400 минг тонна маҳсулот демакдир. Ўйлайманки, мана бу маълумот ҳам кўпчиликни қизиқтиради: республикамиз консерва саноати ўз имкониятларига кўра мамлакатда Россия Федерацияси, Украина ва Молдавиядан кейин тўртинчи ўринда туради. Маҳсулотлар ассортименти бўйича республикамиз етакчи ўринда — 120 хил тайёрланмоқда. Шулардан анча тақчил ҳисобланган ўн икки хилини ишлаб чиқариш жорий беш йилликда ўзлаштирилди.

Ҳозир Агросаноат давлат комитети қарамоғида 19 та хийла йирик консерва корхоналари мавжуд. Шулардан иккитаси— Қувасой ва Ғаллаоролдаги корхоналар яқинда ишга туширилди. Ҳадемай Сурхондарё областида Сариосиё консерва заводи иш бошлайди. Каттақўрғонда 30 миллион шартли банка ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги завод қурилади. У болалар учун озиқ-овқатлар тайёрлайди.

— Чамаси, нафақат миқдор ҳақида, балки сифат жиҳатидан ўзгаришлар ҳақида ўйлашимиз зарур. Бундай вазифа нималардан иборат?

— Ҳа, кейинги икки йилда тармоқни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш учун дадил қадамлар қўйилди. Бу янги қурилишлар, шунингдек ишлаб турган корхоналарни реконструкциялаш ҳамда модернизациялаш йўли билан амалга оширилмоқда. Масалан, омборлар совутиш-компрессор ускуналари, автоматика системалари билан жиҳозланмоқда, юклаш-тушириш учун таққон транспорт воситаларидан фойдаланилмоқда. Меваларни газли муҳитда сақлашнинг прогрессив технологияси жорий этилаяптики, бу маҳсулотларни узоқ муддат асраш имконини беради. Шарбатларни асептик сақлаш линиялари қурилди ва қурилмоқда. Улар учун мукаммал технологик жиҳозлар Югославия ва Венгрия корхоналаридан келтирилаяпти.

(Давоми 2-бетда).

СИГИРСОҒАРЛАР МАРРАДА

Усмон Юсупов районидаги Калинин номли совхоз чорвадорлари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Давлатга 325 тонна ўрнига 328 тонна сут топширилиб, йиллик план муддатидан анча илгари шараф билан уддаланди. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 85 тонна кўп сут тайёрланди. Ҳар бир сигирдан ўртача 1.700 килограммдан сут соғиб олинди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 200 килограмм кўпдир. Хўжалик чорвадорлари йил охиригача давлатга сотиладиган маҳсулотни 600 тоннага етказиш мажбуриятини олдилар.

Эришилган муваффақиятга Жамила Қобилова, Моҳира Бойбекова, Мунаввар Очилова, Норхол Рўзиматова, Маърифат Шодмонқулова сингари илғор сигирсоғарлар, Аҳмад Мардонов, Рўзибой Комилов, Ҳамро Очилов, Наврўз Абдиев каби тажрибали молбоқарлар катта ҳисса қўшишди.

И. УСМОНОВ.

ДЎСТЛИК РИВОЖЛАНАВЕРАДИ

Бразилия Федератив Республикаси Сеара штати делегациясининг Ўзбекистонга қилган расмий дўстлик визити тугади. Штатнинг вице-губернатори Франциско Костелло бошчилигидаги делегация республика ҳукуматининг таклифига биноан Ўзбекистон ССРда меҳмон бўлди.

22 август куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси П. Ҳабибуллаев меҳмонларни қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбатда делегация аъзоларига КПСС XIX конференциясининг қарорлари республикада қандай амалга оширилаётганлиги, экономика, социал соҳанинг тараққиёти тўғрисида ахборот берилди. Кейинги йилларда янгича сиёсий фикрлаш шароитида Совет Иттифоқи билан Лотин Америкаси ўртасида ғоят хилма-хил соҳалардаги мулоқотлар сезиларли равишда кучайганлиги таъкидлаб ўтилди. СССР билан Бразилия ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар вужудга келди.

Ф. Костелло самимий қабул учун миннатдорчилик изҳор қилди. У Сеара штати делегациясининг Ўзбекистон ССРда бўлиши натижаларига юксак баҳо берди.

Ҳар иккала томон Ўзбекистон билан Сеара штати ўртасидаги кўп томонлама алоқаларни ривожлантириш учун объектив шарт-шароитлар мавжудлигини қайд этиб ўтди. Иқтисодий структурасининг ўхшашлиги, хўжалик комплексида бир хил тармоқларнинг мавжудлиги, табиий хусусиятлар ва бошқа бир қанча омиллар ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш учун яхши негиз яратмоқда. Маданият соҳасидаги ҳамкорликнинг муҳимлиги ҳам қайд этиб ўтилди. Бундай мулоқотлар СССР билан Бразилия халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашнинг муҳим босқичи бўлиб қолади.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. П. Романовский, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов иштирок этдилар.

Сеара штатининг делегацияси республика бўйлаб қилган сафари чоғида Самарқанд ва Фарғонага бориб келди. Самарқанд ҳамда Фарғона область ижроия комитетларида суҳбатлар бўлиб ўтди. Меҳмонлар Бутуниттифоқ қорақўйчилик илмий-тадқиқот институтида, Қува районидаги «Коммунизм» ва Тошлоқ районидаги «Ленинград» колхозларида бўлдилар. Делегация аъзолари Р. Р. Шредер номли боғдорчилик ва узумчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг иши билан танишдилар. (ЎзТАГ).

ДАЛА—ПЕШТАХТА: НОБУДГАРЧИЛИКСИЗ ЙЎЛ

[Бошн 1-бетда].

Мамлакатимизда қимматли янгилик пайдо бўлди. Уни Москва озиқ-овқат бижғитиш илмий-тадқиқот институтининг бир гуруҳ мутахассислари, Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитетининг инженерлари А. Абдуллаев, А. Ефимов, Л. Поделякинадан иборат мутахассислар группаси, шунингдек, Самарқанддаги «Зарафшон» алкоголсиз ичимликлар заводи (собиқ арақ заводи шундай аталди) ҳамкорликда ишлаб чиқдилар ва жорий этдилар. Бу ерда спирт қўшиб тайёрланган узум шарбатини савдо тармоқларига жўнатиш олдидан алкоголсизлаштирадиган қурилма ўрнатилди. Ажойиб усулнинг моҳияти шундаки, маҳсулотни узоқ муддат, ҳатто 50—100 тонна сиғимли идишларда ҳам анча вақт сақлаш мумкин. Ана шу усулни қўлланиш йилига 1 миллион сўм иқтисодий самара бериши ҳисоблаб чиқилди. Янгиликни яна беш корхонада жорий этиш кўзда тутилмоқда.

— Сиз корхоналарни қайтадан мослаш мавзусидан гап очдингиз, марҳамат, шу ҳақда батафсилроқ тўхталсангиз. Унинг моҳияти ва мақсадини тўлароқ баён этсангиз.

— Ўтган йили корхоналаримиз пландаги 940 миллион ўрнига 1 миллиард 024 миллион шартли банка консерва ишлаб чиқардилар. Ана шунинг 10 процентдан кўпроғи қайта жиҳозланган вино заводлари ҳиссасига тўғри келади. Тошкент областидаги Ғазалкент вино заводи узум шарбати ва табиий ичимликлар тайёрлашни нисбатан тез, оғринмай йўлга қўйди. Ҳозир бу корхона тажриба-экспериментал заводи деб аталмоқда. У Бўстонлиқ районидаги «Ҳўжакент» совхози ва бошқа хўжаликлар билан қалин ҳамкорликда фаолият юритмоқда, ишлаб чиқариш йил—ўн икки ой тўхтамаяпти.

Корхона директори Э. Авакесов раҳбарлигидаги маъмурият ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва реконструкциялаш ташаббусини бошлади. Шу йил совутиладиган шарбат сақлаш омборини қуриш тугалланмоқда. Бу ишни пудратчи сифатида «Узбекгидроэнергострой» трестининг «Чарвакгэстрой» бошқармаси бажармоқда. Корхоналарнинг янги маҳсулот ишлаб чиқаришга қайта мослаштирилиши ишлаб чиқариш маромини бузгани йўқ, одамларнинг иш ҳақи ҳам пасаймади. Ҳозир завод узумни ёппасига қайта ишлашга тайёргарлик кўраяпти. Токзорларда ҳосил чўғи жуда баланд.

Бу жараён Шаҳрисабз виноарақ заводида муваффақиятли кечмоқда. Мазкур корхона кўп миқдорда мева концентратлари ишлаб чиқариш билан бирга ярим тайёр маҳсулот — узум шарбати ҳам етказиб бермоқда. Олдимизга шундай вазифа қўйилган: беш йиллик охиригача республика Агросаноат давлат комитетига қарашли ўн еттита вино заводининг барчасини алкоголсиз маҳсулот ишлаб чиқаришга мослаштиришимиз зарур. Уларнинг умумий қуввати йилига 300 миллион шартли банка консерва маҳсулоти ишлаб чиқарадиган даражага етказилади. Кўрамизки, ишимиз ҳажми анча-мунча ортади. Узумни дастлабки қайта ишлайдиган 92 та пункт асосан ана шу программани бажаришга бўйсундирилади.

Тармоқни янгитдан ихтисослаштириш, янги технологияларни ўзлаштириш кўпгина меҳнат коллективларидан бекиёс куч-ғайрат сарфлашни, астойдил тер тўкиб ишлашни, энг мақбул ечимларни топишни талаб этганлигини гапириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Шунисни қувонтирадики, оғир кунлар ўтиб кетди, жорий йилдан бошлаб узумни оммавий қабул қилишда ҳеч қандай чеклаш бўлмайди, деб ўйлайман.

Маҳсулот сақланадиган база ва қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкциялаш ҳамда техникавий қуроллантириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва такомиллаштириш — буларнинг барчаси сифат кўрсаткичларини яхшилашга хизмат қилади. Айни шу йўналишда биз муайян ютуқларга эришдик. Аммо тан олиш керакки, жаҳон стандартлари у ёқда турсин, умумиттифоқ стандартларига етиб олиш учун ҳали кўп иш қилишимиз зарур. Давлат қабули бизнинг корхоналаримизда ҳам жорий этилаяпти. Шунинг учун ҳамма жойда унга тайёргарлик авж олдириб юборилди. Янгийўл консерва заводи биринчи бўлиб давлат қабулига ўтади. Бу корхона танлангани бежиз эмас. Чунки у сабзавот ва мева консервалари ишлаб чиқаришга мослашган энг кекса корхона бўлиб, янги техника билан жиҳозланган, барқарор ишчи кадрлар ва инженер-техник ходимларга эга. Яхшигина тажриба орттирган. Консерва саноати маҳсулотларини оммавий аттестациядан ўтказиш ҳақида шуни айтиш керакки, бу иш бизда 1990 йилдан бошланади. Олдимизда жуда жиддий, ниҳоятда масъулиятли вазифа турганини чуқур ҳис этаяпмиз.

— Корхоналарни реконструкциялаш ва техникавий қайта қуроллантириш, меҳнат жараёнларини механизациялаш ва автоматлаш, ишлаб чиқариш маданиятини ошириш, шубҳасиз, махсус билимни, тегишли ечимларни, айтайлик, лойиҳа-смета ҳужжатларининг пишиқ-пухта бўлишини талаб этади. Аммо бу ишни корхоналарнинг ўзлари ҳал этишга қодир бўлмасликлари мумкин. Кимнинг ёрдамига кўз тикилмоқда?

— Корхоналаримиз ўзлари учун ишончли шерик — Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети «Плодоовощ» бош конструкторлик лойиҳалаш-технологик бюросига катта умид боғламоқдалар. Ана шу муассаса коллективи неча ўнлаб қимматли ечимлар берди, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишдан салмоқли иқтисодий натижаларга эришилди. Уша ечимлар орасида маҳсулотларнинг янги турлари ҳам, янгича технологик линиялар ҳам бор. Республика Агросаноат давлат комитетининг мева ва сабзавот маҳсулотлари кўплаб етиштириладиган жойларда кичик қувватли цехларни лойиҳалаш ҳамда қурishга қаратилган йўлини амалга оширишга ҳам бу муассаса ўз ҳиссасини қўшди. Ана шундай жажжи заводлар Андижон областидаги Дмитров номли, «Партия XXII съезди», «Победа» колхозларида қурилди, улар ҳозир маҳсулот бераяпти. Ҳар бири йилига 2—3 миллион шартли банка хариддоргир консерва маҳсулоти ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Мен аввало маринадланган томатларни назарда тутмоқдаман. Бундай корхоналарни қуриш, ускуналар билан жиҳозлаш учун бор-йўғи тўрт ой кифоя қилди. Ҳар бири 70 минг сўмга тушди. Ҳисоб-китобларга қараганда сарф-харажатлар бир йилга етар-етмас қопланади. Яна бир диққатга сазовор томони бор: битта цехда кўпи билан 15 киши ишлайди, асосан ёшлар. Айни пайтда бошқа муаммо ҳам ўз ечимини топади: шу пайтгача холи қолиб келган меҳнат ресурслари ижтимоий фойдали фаолиятга жалб этилади.

Яна бир масала хусусида тўхталиб ўтмоқчиман. Андижон область партия комитети катта капитал маблағ талаб қилмайдиган цехлар барпо этишга манфаатдорлик билан ёндашди. Обком тегишли район партия комитетлари орқали объектлар қурилиши, уларни комплектлашда, эксплуатациячи кадрларни тўплаш ва ўқитишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатди.

Одатда хайрли ишнинг издошлари бўлади. Республикадаги кўп хўжаликлар кичик цехлар барпо этиш истагини билдирдилар. Бинобарин, бу йўналтирилган ҳосилни нобуд қилмаслик, ўз жойида тез қайта ишлаш, шаҳар ва район марказларига ташишдек кўпдан-кўп ташвишлардан халос бўлиш имконини беради. Консерва заводлари филиали бўлмиш бундай цехларни барча областларда қуришга қарор қилинди. Бунда Андижон консерва заводининг тажрибаси асос бўлиб қолади. Бу ҳақда корхонанинг бош механиги Р. Зайнутдинов сўзлаб бериши, намойиш этиши мумкин. Чунки цехларни монтаж қилиш ва ишга тушириш бевосита унинг раҳбарлигида амалга оширилди. Завод базаси ва унинг янги филиалларида ўтказилган республика семинари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Юқорида айтилганларга қўшимча қиламанки, худди шу Андижон областида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи кичик қувватли кўчма цехлар қуришга ҳам киришилди. Бу цехлар томорқа маҳсулотларини ҳам қайта ишлайди. Шу тариқа аҳолига кўрсатиладиган яна бир хизмат тури юзага келди.

— Кўраяпсизки, корхона ва хўжаликларнинг ўзлари ташаббус билан чиқмоқдалар. Албатта, Агросаноат давлат комитети уларнинг интилишини мумкин қадар қўллаб-қувватлаяпти, омилкорликни рағбатлантирмоқда. Шундай ибратли мисолларни яна келтириш мумкинми!

— Мумкин, бундай мисоллар оз эмас. Менга ва менинг ҳамкасбларимга Бўстонлиқ районидаги «Ғазалкент» агросаноат комбинати вакилларининг таклифи жуда ёқди. Улар маҳаллий хом ашё ресурсларидан тўлароқ фойдаланиш мақсадида ўзаро келишилган нархда аҳолидан олча ва малина сотиб олиш, ундан мураббо тайёрлаш ҳамда уни фирма магазинида сотишни йўлга қўйдилар. Уйлайманки, бу маҳсулотга эҳтиёж қандайлиги барчага маълум. Бундан комбинат зарар кўрмайди. Бу давлатга ҳам, аҳолига ҳам наф келтиришнинг худди ўзи.

— Ҳар ҳолда ҳамма иш хамирдан қил суғургандек силлиқ кетавермайди, қийинчиликлар, муаммолар ҳам бор. Шулардан қайси бири тармоқ учун энг оғир ва мураккаб?

— Афсуски, мева-сабзавот конвейери гоҳ-гоҳида тўхтаб қолаяпти. Кўпинча РСФСР нинг қатор областларида тайёрланаётган картошка сифатига ҳатто сўз топиш маҳол. Уларни узоқ муддат сақлаб бўлмайди. Баъзи шериклар—совхозлар ва колхозлар, агросаноат комбинатлари у ёки бу мева-сабзавот маҳсулотларини ҳажми, ассортименти, етказиб бериш муддатлари бўйича шартнома мажбуриятларига амал қилмайдилар. Сабзавот экинларини босқичма-босқич экиш усули кўп жойда қўлланилмаяпти. Бу эса қайта ишлаш корхоналарининг иш графикларини издан чиқармоқда, дала—завод занжирида транспорт воситаларининг тўпланиб қолишига олиб келаяпти.

Биз эътиборни ана шу камчиликлар ва ҳосилнинг истеъмолчига етиб бориши йўлидаги бошқа нуқсонларни бартараф этишга қаратганмиз. Туб қайта қуриш агросаноат комплексининг барча технологик бўғинларида юз бериши лозим.

Суҳбатни
И. АХМЕТОВ
олиб борди.

Пахтакор районидаги Ульянов номли совхоз чўлқуварлари Б. Қамбаров бошлиқ звено деҳқонларидан беҳад миннатдор бўлмоқдалар. Полизчилар уларга кўплаб ширин-шакар қовун-тарвузлар етиштириб бердилар. Ҳозир звено даласида айни пишиқчилик. 10 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 170 центнердан маҳсулот йиғиб, эл дастурхонига армуғон этишни кўзлаётган миришкорлар ҳосилнинг бир қисмини совхоз пахтакорлари ва чорвадорларига етказиб беришаяпти, бир қисми эса Узоқ Шарқ, Чита ва Хабаровск меҳнаткашларига юборилмоқда. Улар қисқа вақт ичида Бутуниттифоқ фондига 200 тонна маҳсулот топширдилар.

СЎРАТДА: полизчилик звеносининг илғор ишчиси Абдусалом Бобобеков.

К. ЖЎРАҚУЛОВ фотоси.

КУНИГА БИР ЯРИМ ТОННАДАН

«Кунига ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини бир ярим тоннадан оширамиз!» — Наманган район матлубот жамиятлари союзига қарашли колбаса цехи коллективининг азму қарори ана шундай. Корхона ишчи-хизматчилари маҳсулот турини кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Цех ишга туширилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин қисқа даврдаёқ беш хил маҳсулот тайёрлаш ўзлаштирилди. Дастлабки пайтда кунига 750 килограммдан колбаса ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 1.200 — 1.300 килограммга етди.

Корхонада асосий иш жараёнлари — гўшт қиймалаш, аралаштириш, дудлаш ва қадоқлаш ишлари тўла механизациялаштирилган. Бу юмушлар автомат қурилмалар ёрдамида бошқариб турилади. Уларни бенуқсон ишлатишда Зокиржон Шарипов, Муҳаммаджон Раҳимов, Маъсуда Раззоқова сингари ишчи-хизматчилар ҳамкасбларига намуна бўлишаяпти. Цехда колбасадан ташқари ярим тайёр маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқарилиб, савдо тармоқларига етказиб берилмоқда.

Корхона коллективи шу йилнинг ўзидаёқ кунлик иш ҳажмини бир ярим тоннага етказиб, лойиҳадаги қувватни ўзлаштириш учун ҳаракат қилаяпти.

М. Мирзаабдуллаев.

БУГУНГИ ТАЛАБЛАР, ЭНДИГИ ВАЗИФАЛАР МУТЛАҚО БОШҚАЧА:

Ойниса Жўраева фермага ишга келганига беш йил бўлди. У қисқа муддат ичида касбдошлари орасида ҳалол меҳнати билан ном қозонди. Қишлоқдошлари унн Сирдарё область Совети депутатлигига сайлашди. Айни кунларда Ойниса Ворошилов районидаги «Гулистон» совхози ферма ходимлари мусобақасида пешқадамлик қилаяпти. Моҳир сигирсоғар ҳар бош говмишдан камида 3.000 килограммдан сут соғиб олмоқчи.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотоси.

ЁЗ ДЕГАНИМИЗ ЁЗГА ЎХШАСИН

«САМАРҚАНД ЕРИНИНГ САХОВАТИ» КЎРГАЗМАСИ ЯКУНИГА ДОИР БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Самарқанд области далаларида авжи пишиқчилик. Эндиги вазифа етиштирилган турфа ноз-неъматларни нест-нобуд қилмай йиғиштириб, эл дастурхонига туҳфа этишдан иборат. Зеро, дастурхонимизнинг серфайзлиги пировардида қишлоқдаги миришкорларнинг меҳнатига берилган баҳо бўлади.

Шу жиҳатдан олганда «Самарқанд ерининг саховати» деб номланган кўргазма диққатга сазовор. Сайилни анъанавий деб аташганида жон бор. Негаки, анча йиллар муқаддам кўҳна шаҳарнинг марказий истироҳат боғида саховатли замин неъматлари намойиш этилиб, чиройли кўргазмалар уюштириларди. Сўнгги бешолти йилда эътибордан четда қолган яхши анъана яна тикланди. Каттаю кичикни сайилга чорлаб, яна карнай-сурнай садолари янгради, бадиий ҳаваскорлар қизиқарли программада концерт намойиш этишди, халқ бахшилари, қизиқчилар, полвонлар чиқиш қилишди.

Айни пайтда мазкур кўргазма олдингиларининг шунчаки такрори бўлмасдан, бир қанча афзалликларга эга эканлигини таъкидлаш зарур. Аввало, шаҳар аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига талабини имконият даражасида қондиришга интилиш кўзга ташланди. Шу мақсадда кўргазма аввалгидек фақат бир жойда эмас, балки Сиёб, Боғишамол, Темирйўл районларининг аҳоли гавжум ерларида ташкил этилди, ўша жойнинг ўзида деҳқончилик маҳсулотлари савдоси йўлга қўйилди.

Кўргазмадаги кўпчилик расталар томошабин ҳамда харидорлар билан гавжум. Айниқса Булунғур, Самарқанд районлари хўжаликларига тегишли дўконларда савдо-сотиқ қизғин тус олган. Узум, шафтоли, нок, помидор, болғар қалампири, бақлажон ва бошқа неъматлар иштиёқ билан харид қилинмоқда. Уч кун давом этган кўргазма якунида ҳам савдо-сотиқнинг катта қисми ана шу икки район улушига тўғри келганлиги маълум бўлди. Кўргазмада Булунғур 633,5 тонна, Самарқанд районидан 516 тонна, Пайариқ 448 тонна, Оқдарё районидан 420 тонна ноз-неъмат сотиб, энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Область агросаноат комитетидан маълум қилишларича, сайилда шаҳар аҳолисига 1.188 тонна сабзавот, 944 тонна қовунтарвуз, 691 тонна мева, 444 тонна узум, 380 тонна картошка ва бошқа ноз-неъматлар етказиб берилган. Гўшт ва паррандачилик маҳсулотлари дўконлари харидорлар билан янада гавжум бўлди. 77 тонна гўшт, 6.700 та товуқ, 13,5 минг дона тухум сотилди.

Кўргазма нималарни кўрсатди? У аввало область хўжаликларида рўй берган ажойиб ўзгаришларни, янгиликларни юзага чиқаргани билан қимматли. Масалан, Қўшработ районидаги Киров номли совхоз дўкони қўшниларга нисбатан харидорлар билан гавжум бўлди. Негаки бу ерда чорвачилик маҳсулотлари билан бирга асал, зиғирмой ва нўхат сотилди. Бинобарин, совхозда қарийб унутилаёзган зиғир, кунжут каби қадимий экинлар тикланаётгани таҳсинга лойиқ. Жорий йилда ҳам 30 гектарда зиғир, 100 гектарда кунжут етиштирилди. Кўргазмада янги ҳосилдан 300 килограмм зиғир ёғи сотилди. Икки йилдирки хўжаликда асаларичилик йўлга қўйилган. Бултур илк бор 20 тонна шифобахш неъмат тайёрланган бўлса, жорий йилда мазкур кўрсаткични 22 тоннага етказиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, 600 гектарда нўхат, 100 гектарда маржумак етиштирилмоқда. Тўсинсой сув омбори ҳавзасида балиқчилик ташкил этилди. Резервларни тўлароқ ишга солиш, коллектив пудратни кенг жорий этиш озиқ-овқат маҳсулотлари турини кўпайтириш билан бирга хўжалик молиявий ҳолатини яхшилашга салмоқли таъсир кўрсатмоқда, совхоз иқтисодий жиҳатдан қаддини тиклamоқда.

— Иқтисодий жиҳатдан ўтириб қолган хўжалигимиз бултур биринчи марта фойда кўрди, — дейди совхоз директори Мансур Қўшбоев. — Йилни 111 минг сўм соф фойда билан якунладик. Жорий йилда бу кўрсаткични ярим миллион сўмга етказишни мўлжаллаяпмиз.

Излаяш бор жойда муваффақият бор. Қимматли озиқ-овқат маҳсулотлари турларини кўпайтириш салмоқли иқтисодий наф келтирмоқда. Лекин афсуски, ҳали кўплаб хўжаликлар вакиллари томошабин бўлиб туришди. Жумладан, «Ўзбекистон» колхози дўконида уч кун мобайнида лоақал бирор килограмм маҳсулот сотилмади. Боғдорчилик бригадири Раббим Саматов билан қисқача суҳбатимиз қуйидагича кечди.

— Нимага ҳеч нарса сотмаяпсиз?

— Сотадиган нарса бўлмаса нимани сотамиз? Колхозчиларимизнинг ўзлари сабзи-пиёз, мева-чевани бозордан олишади.

— Савдо-сотиқ бўлмаса уч кун бу ерда нима қилдингиз?

— Қоровуллик қилиб ётдик.

Афсуски, бу мисол ягона эмас. Райондаги «Ленинизм» колхози тайёрловчиси Маъмур Тошиновнинг эътироф этишича, мазкур хўжалик кўргазмада атиги 45 сўмлик савдо қилган. Жомбой районидаги Охунбобоев номли колхоз, Улуғбек номли совхоз ва бошқа айрим хўжаликларда ҳам савдо-сотиқнинг мазаси бўлмади. Ургут, Каттақўрғон районлари кўргазма савдосида энг паст натижага эришишди.

— Дўконларингиз нега бунчалик ғариб?

— Биз пахтачилик хўжалигимиз, — дейишди уларнинг айримлари. — Мева, сабзавотчиликка ихсисослашган хўжаликларга тенглашолмаймиз.

Табиийки, бу фикрга қўшилмадик. Чунки, гарчи пахтачиликка ихтисослашган бўлса-да, бошқа соҳаларга ҳам жиддий эътибор бераётган, Озиқ-овқат программасига муносиб улуш қўшаётган хўжаликлар оз эмас. Масалан, Большевик районидаги Карл Маркс номли колхоз, «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхози, Пахтачи районидаги Карл Маркс номли, «Пахтакор», Нарпай районидаги «Москва», Ленин номли колхозлар, областдаги бошқа ўнлаб хўжаликлар мазкур сайилга катта ҳажмда маҳсулот келтириб, дўконлар орқали сотганликлари фикримиз далилидир.

Демак, айрим хўжаликларнинг область марказига қуруқ қўл билан, хўжакўрсин учун келганликларининг асосий сабаби пахтачиликка ихтисослашувда эмас, балки уларда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш масаласи эътибордан четда қолаётганида. Бундай жойларда ҳамон пахта монокультурасидан воз кечилмаяпти. Алмашлаб экиш, ерни соғломлаштиришни каби ҳаётий муҳим масалалар унутилиб, аксарият майдонлар ғўзага ажратилмоқда. Оқибат эса равшан. Деҳқон, боғбон ва соҳибкор номини улуғлаб шаҳарлик бирodарлар дастурхонини тўкин қилиш ўрнига турли неъматларни ўзлари бозордан сотиб олишаяпти. Бу давр руҳини ҳис этмаслик оқибатидир.

Реза-реза пешона тер ҳисобига етиштирилган ноз-неъмат нобудгарчиликсиз йиғиштирилиши зарур. Лекин ҳамма шундай фикрламаяпти. Шаҳарликларга анча кўп маҳсулот етказиб берган Булунғур районида ҳам савдо-сотиққа икки хил муносабат сезилиб турди. Яъни Гагарин номли, Беруний номли, «Красногвардейский», «Ғалабанинг 40 йиллиги» совхозлари дўконларида асосий маҳсулот — сершира қора узум кўпроқ сотилди. Аммо Фозил Йўлдош ўғли номли, «Ўзбекистон» совхозлари бундай харидоргир маҳсулотни кам келтиришгани маълум бўлди. Сабаби нимада?

— Ҳали барвақт деб соҳибкорлар узум узишга киришмаяптилар, — буни ўзича изоҳлади Фозил Йўлдош ўғли номли совхоз агрономреализатори Қаҳрамон Исмоилов. — Оилавий звенолар хоҳишига қарши боролмаяпмиз.

Бу фикр узум ва мева жўнатиш билан боғлиқ, деярли ҳар йили такрорланадиган қийинчиликларни эслатди.

Маълумки, булунғурлик соҳибкорлар ҳосилнинг катта қисмини умумиттифоқ фондига, саноат шаҳарларига жўнатадилар. Аксига олиб ҳосилни йиғиштиришнинг қизғин палласида совутиш усқуналари бўлган махсус вагонлар етишмайди. Бултур ҳам анча-мунча ҳосилнинг вагон кутиб темир йўл станциясида, пайкал бошида бир неча кун қолиб кетганини ўзимиз кўргандик. Сўнгра яроқсиз ҳолга келган бундай узум килограмми атиги тўрт тийиндан баҳоланиб, шарбат тайёрлаш учун комбинатга топширилди. Майиз қуритиш ишлари ҳам кутилган натижани бермаяпти. Мазкур зонада об-ҳавонинг нисбатан салқинлиги оқибатида майиз вақтида қуримайди. Шу боисдан бултур ҳам анча-мунча ҳосил қуримай айвонларда, уйларда, ёрдамчи биноларда чириб нобуд бўлди. Ҳосилни темир йўл станциясида, майиз қуритиш майдонларида чиритиб увол қилгунча бир қисмини пешма-пеш шаҳарга элтиб сотиш соҳибкор учун қулай ва манфаатли эмасми? Қолаверса, республикамиз шаҳарларида айни пишиқчилик маҳали нарх-навонинг ҳозиргидай қимматлигини кўнгилли ҳол деб бўладими?

Дарвоқе, нарх-наво хусусида. Мазкур сайилда майизбоп қора узумнинг килоси 50 тийин, тарвуз — 25 тийин, қовун 35 тийин, олма 40 тийин, шафтоли 40—50 тийин,нўхат 2,5—3 сўм, мол гўшти 4—4,5 сўмдан сотилди. Бу қимматми ёки арзон?

— Давлат баҳосига нисбатан қиммат, — дейишди шаҳарлик харидорлар. — Аммо бозорга қараганда анча арзон. Мисол учун сайилда 50 тийиндан сотилган узумнинг килоси Самарқанд бозорларининг ўзида бир-бир ярим сўм, шафтолиям шундай. Килоси 25—35 тийиндан сотилган қовунтарвузнинг баҳоси эса бозорда 50—60 тийин ва ҳоказо. Сайилда белгиланган нарх харидорга оғирлик қилмайди.

Кўргазмали савдо атиги уч кун давом этди, бу қисқа муддат харидорларни қониқтирмади.

— Камида бир-икки ҳафта давом этсайди, — эътироз билдиришди улар. — Ахир бунга озмунча ташвиш чекишдими?

Дарҳақиқат: кўргазма павильонларини қуриш ва безатишнинг ўзига анча-мунча меҳнат, моддий ресурслар, маблағ сарфланди. Шунча ташвишу тараддуддан кейин савдо-сотиқ муддатини бироз чўзиш, иш енгил кўчиши учун ҳар райондан учтўрт хўжаликнинг навбатчилигини ташкил этибми ёки бошқа шакллами, ҳар қалай кўргазмали савдонинг умрини узайтириш лозим эди. Турфа хил ноз-неъматнинг ватани бўлган қўшпли ўлкамизда ёз ёзга ўхшаши керак-ку, ахир.

Анъанавий сайилда шаҳар аҳолисига қарийб 4 минг тонна ноз-неъмат сотилди. Уни шаҳар аҳолиси қатори қардош республикалардан келган меҳмонлар, чет эллик туристлар ҳам мамнуният билан томоша қилдилар. Мулоҳазалар дафтарига қисқа муддат бўлса-да шаҳарга файз бағишлагани, Озиқ-овқат программасига муайян улуш қўшганидан миннатдорчилик сўзлари битилди. Шунинг ўзи катта гап, булар эртанги кун учун мулоҳаза мавзуларидир.

М. ЭРАЛИЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

Буюртмага кўра микроиқлим

Ташқарида иссиқ авжида, лекин Тошкент областидаги Қорасув наслчилик-паррандачилик заводи ишчиларига бу жазирама мутлақо таъсир қилмайди. Улар бунинг учун аввалдан микроиқлим яратадиган асбоб-ускуналарни сиғчиклаб кўздан кечиришди, яроқсиз қисмларини алмаштиришди. Бундай системани паррандабоқарларнинг ўзлари ўйлаб топишган ва тайёрлашган. Мана икки йилдирки, мазкур система кондиционерларнинг анъанавий хиллари қаторида муваффақиятли қўлланилаяпти. Бунинг учун пуркагичларни қувурлар ёрдамида улашди ва унга водопровод системасини қўшишди. Ариқдан келаётган сув юқорига чиқарилади, у ерда пуркалиб, паррандахоналарнинг томига салқин ҳаво юборади. Хўш, бунинг нимаси яхши!

— Ҳарорат тафти пасаяди,— дейди паррандачилик заводи директори, микроиқлим яратиш ташаббускори Ислом Истамович Худойқулов. — Офтоб нурлари остида паррандахоналар томи айниқса қизиганидан қизийди. Муздек сув тепадан пуркалганида ичкаридаги ҳаво ҳарорати ҳам пасаяди. Ана шундай шароитда стандарт кондиционерлар яхши ишлайди, чунки улар нам ва совитилган ҳаво билан таъминланади.

— Биз қўлбола совитгич системаси ҳам, стандарт кондиционерлар ҳам бўлмаган паррандахоналарда тажриба ўтказиб кўрдик, — дейди бош инженер С. Н. Синяшин. — Бу биноларда ҳаво ҳарорати ташқаридагидан 1 даража паст. Фақат кондиционерлар ўрнатилган жойда 4—5 даража салқин. Узимиз яратган асбоб-ускуналар ўрнатилган паррандахоналарда ҳам ҳарорат шундай. Унисн ҳам, бунисн ҳам қўлланилаётган жойда эса ичкаридаги ҳаво ҳарорати 8—9 даража пасайди.

Стандарт кондиционерлар ва микроиқлим системаси яхши самара бераяпти. Лекин қўлда яратилган ускуналардан фойдаланилганда кондиционерларга нисбатан камроқ миқдорда электр энергияси сарфланмоқда. Фойдаланилаётган ресурсларни қатъий ҳисобга олиш зарурати туғилган ҳозирги кунларда бу янгилик беннҳоя муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари кондиционер ўрнатишга 12 минг сўм, қўлбола салқинлатгичга эса атиги 300 сўм сарфланади. Кейинги турдаги асбоб-ускуналар ҳар бир паррандахонада мавжуд, уларнинг сони 40 тага боради.

Ёз жазирамасида ҳаво ҳарорати 35 даражадан кўтарилиб кетганда паррандалар ўзларини поҳас сезадилар. Бундай шароитда кўплаб сув истеъмол қилиб, емишга иштаҳаларн бўлмайди. Табиийки, маҳсулдорлик пасаяди. Қорасув паррандачилик фабрикасида эса ҳар доим бирдай.

Н. КОВАЛЕВА,
«Узптицепромнинг матбуот маркази ходимаси.

ИСТЕЪМОЛ ЭТАСАНМИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ШАХСАН ҲИССА ҚЎШ!

НАМАНГАН ОБЛАСТИ. Учқўрғон райони деҳқонлари маккажўхоричиликда оилавий пудратни жорий этганликлари туфайли областда энг юқори кўрсаткични қўлга киритдилар. Бу ерда ҳар гектар майдондан 71 центнердан, алоҳида жойларда эса 75—80 центнердан каҳрабо дон олинаяпти. Мустақиллик, моддий манфаатдорлик яхши натижалар бермоқда. Чунончи, Ленин номли колхозда маккажўхори ҳосилдорлиги 1986 йилдагига нисбатан 7 центнер кўтарилди.

СУРАТДА: Ленин номли колхоз маккажўхоричилик бригадаси бошлиғи Абдурашид Қобулов. Унинг коллективи асосан оилавий звенолардан иборат.

А. КОВТУН фотоси. (ЎзТАГ).

АСАЛЧИ МИДҲАД БОБО

Самарқанд районининг Ражабали қишлоғида Мидҳад бобо Абдуқодировни танимайдиган одам йўқ дейиш мумкин.

Ўн беш йилдан бери Мидҳад бобо Самарқанд ўрмон хўжалигида асаларичиларнинг уясини кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун изланмоқда. Агар 1972 йилда унда 80 уя асалари мавжуд бўлса, ҳозир қарийб 300 тага етди. Илгари маҳсулдорлик ҳар бир уядан 12—13 килограммдан ошмаган бўлса, ўтган йили 18,5 килограммдан ҳосил кўтариб, аҳоли дастурхонига жами 4,4 тонна сифатли асал етказиб берди.

Мидҳад Абдуқодировнинг хизматлари юксак баҳоланди. У «Москвич» енгил автомашинаси ва ёрлиқлар билан тақдирланган. Бобога унинг шогирдлари — ўғли Акмалжон ҳамда Фозилжон Одилов кўмаклашмоқдалар.

Н. НЕЪМАТОВ.

ЯНГИ ҲОВЛИ МУБОРАК!

Қизилқум қўйнида жойлашган «КПСС XXV съезди» совхозида инсон омилини фаоллаштириш учун қатор маданий-маиший бинолар қад ростламоқда. Шу йилнинг ўзида 1.587 квадрат метр саҳнли турар жой тиклашга киришилди. Жами 593 минг сўмлик иш бажарилади. Уни Конимех хўжалик ҳисобидаги ремонт-қурилиш участкаси ҳамда Томди районидаги механизация лашган кўчма колонна бинокорлари амалга оширишмоқда. Ҳозиргача 10 та уйнинг 4 таси битказилди. Шу билан бир қаторда совхоз қурувчилари ҳам 9 та чўпон уйини фойдаланишга топширдилар.

А. ЭРГАШЕВ.

ДИҚҚАТ: ТАЖРИБА!

ҒЎЗА ВА КАРТОШКА ЧИҚИШИБ ҚОЛДИ

Урганчлик физика ўқитувчиси Маткарим Ибодуллаевнинг ҳовлисидаги ҳозир ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерда сиз олимлар ва ўқитувчилар, деҳқонлару мутахассислар, студентлар, ўқувчиларни учратасиз. Шаҳарнинг сокин кўчаларидан бирида жойлашган бу уй нега кўпчиликнинг диққатини тортиб қолди?

Гап шундаки, Маткарим Ибодуллаев бу йил томорқасининг ярмига чигит экди. Ғўзалар қийғос гуллаб, ёппасига кўсакланди. Қатор ораларига эса картошка экилган. Ҳа, ҳурматли газетхон, фавқулодда ҳодиса — ғўза қатор ораларида картошка мўл-кўл ҳосил тўплади. Ана шу туфайли бу ерга ҳар куни гурас-гурас одамлар келишмоқда.

Инсоннинг ишқи ерга тушиб, дунёда деҳқончилик касби пайдо бўлгандан бери деҳқон олдида ердан иложи борича кўпроқ маҳсулот олиш вазифаси кўндаланг бўлиб турибди. Ана шу олийжаноб вазифа бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этди. Шу боисдан деҳқонга олимлар, фан, техника ёрдамга келди. Бошқа касбкор эгалари унга баҳоли қудрат кўмаклашмоқдалар. Шу жиҳатдан педагог Маткарим Ибодуллаев таклиф этаётган усул айниқса диққатга сазовор. Чунки бунда суғориладиган майдонлардан олинадиган ҳосил камида икки баравар ошади.

Маткарим Ибодуллаев табиатан тиниб-тинчимас, изланувчан педагог. У узоқ йиллардан буён жанубий районларда қуёш нуридан кенг фойдаланган ҳолда дунёда энг арзон иситиш системасини яратиш борасида иш олиб бориб, муайян натижага эришди. Чунончи ҳозир у томорқасидаги ғўзаларни 33—34 даража ҳароратдаги иссиқ сув билан суғормоқда. Натижада экиннинг ривожи тезлашди, ҳосил тугунчалари ҳам анча кўп.

Ҳар қандай янгиликнинг йўли турли-туман тўсиқлар орасидан ўтади. Бу сафар ҳам худди шундай бўлди. Аввало ер топиш мушкул эди. Ибодуллаев колхоз раҳбарларидан ер «ундира» олмади. У узоқ ўйланиб, тажрибани томорқасида синаб кўришга аҳд қилди. Томорқага чигит экиш масаласини эса ота-онаси билан маслаҳатлашмасдан амалга ошириш инсофдан эмасди. Чунки томорқа оила бюджетига самарали ҳисса қўшиб келаётган эди. Тўғри, янги усулда ҳам томорқада дилдаги маҳсулот етиштирилади. Аммо бунинг учун оила аъзоларини ишонтириш керак эди. Ишонтириш учун худди суддагидек ашёвий далиллар, ҳужжатлар зарур.

Оила бошлиғининг далиллари қоғоздаги ҳисоб-китоблар эди, холос. Шу боис хотини Назира ҳатто эшитишни ҳам истамади. Қизи Барно дадасининг таклифига хайрихоҳлик билдирмади. Нима қилиш керак? Ибодуллаев томорқанинг тенг ярмида тажриба ўтказишга аҳд этди.

15 мартда қатор оралари 140 сантиметр қилиб картошка экилди. Орадан бир ой ўтгач кўкариб турган картошка қаторидан 40 сантиметр узоқликда пленка остида ўстирилиб 3—4 чинбарг чиқарган ғўза кўчатлари ўтказилди. Шундай қилиб бир гектар майдонда 4—5 туп картошка, 6—7 туп ғўза кўчати жойлаштирилди. Картошка экилган ғўза қатор ораларининг кенглиги 80 сантиметр, картошка экилмаган иккинчи қатор орасининг кенглиги эса 60 сантиметрни ташкил этди. Ибодуллаев ғўзани механизм ёрдамида парвариш қилишни назарда тутиб, картошкани ҳар икки қатордан битта-сига экишни таклиф этаяпти. Шундай қилинганда картошкаси йиғиб олинган далада механизм тўла қувват билан ишлайди.

15 июнда картошка ҳосили йиғиб олинди ва эгатларга сув қўйилди. Энди янгиликнинг афзалликлари ҳақида. Ибодуллаев картошка ва чигит аралаш экилган майдоннинг ҳар метридан 2 килограмм картошка олди. Ғўзанинг ривожи ҳам анча дуруст. Юқорида айтганимиздай, ёппасига гуллаб, қийғос кўсаклаган. Олимлар ва деҳқонлар тажриба майдончасида ҳар метр майдондаги ғўза камида 350—400 грамм пахта беришини айтмоқдалар. Агар буни гектарга қиёс қилсак, ҳар гектар майдондан 100—150 центнердан картошка, 35—40 центнердан пахта олинади, демакдир. Шундан ҳам кўриниб турибдики, ушбу янгилик ер ресурслари ўта чекланган Хоразм шароитида ўзига хос инқилоб бўлиб, деҳқончилик маданиятини кескин кўтариш, қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришда янги уфқлар очади.

Аҳоли сонининг тез ўсиб бориши ва қишлоқ қурилиши кўламлари йил сайин кенгайиши натижасида республикада ҳар бир киши ҳисобига тўғри келадиган суғориладиган майдон камаймоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда асримиз охирига бориб ҳар киши ҳисобига тўғри келадиган суғориладиган майдон республикада 1965 йилдагига нисбатан қарийб икки баравар камаяди. Сув ресурслари чекланганидан янги ерлар ўзлаштириш имкони ҳам йўқ. Демак, эндиликда асосий эътибор мавжуд майдонлар ҳосилдорлигини тубдан оширишга қаратилмоғи шарт.

Бунинг учун эса ерларнинг мелиоратив ҳолатини муттасил яхшилаш, айниқса далаларга оралиқ ва такрорий экинлар экишни кенг йўлга қўйиш лозим. Шу жиҳатдан қараганда айрим пайкалларда экинларни картошка — ғўза схемаси бўйича жойлаштиришни жорий этиш республика деҳқончилигида ўзига хос бурилиш бўлади, десак янглишмаймиз.

Ушбу янгилик дала шароитида ҳам ўзини тўла оқлади. Урганч районидаги «Пахтакор» колхозининг Қурбонжон Раҳмонов бошлиқ оилавий звеноси аъзолари ўзларига ажратилган майдоннинг бир қисмига картошка — ғўза экиб, мўл-кўл ҳосил етиштиришди.

— Маткарим Ибодуллаев кашф этган янгиликнинг афзаллиги жуда катта, — дейди биз билан суҳбатда Ломоносов номли мактаб ўқитувчиси Солижон Бердиев. — Картошка ва чигитни аралаш экиш ердан фойдаланишни кескин яхшилаш билан бирга қишлоқ кишиларининг моддий манфаатдорлигини ҳам оширади. Ғўза кўчатларини пленка остида етиштириш ва уни далага ўтқазишдан эса асло чўчимаслик керак. Бу худди карам ёки помидор кўчати ўтқазишдек жўн иш.

Дарвоқе, ҳозир жаҳон пахтачилигида ғўза кўчатларини кўчириб ўтқазиш тобора кенг қўлланилмоқда. Бу иш айниқса Хитойда авж олган. «Ғўза ниҳолини кўчат қилиб ўтқазиш усули мамлакатнинг барча вилоятларида чигит экиш усулини амалда қисиб чиқармоқда. Хитойда пахта фақат қўлда терилади. Ғўза ниҳолларини пленка остида етиштириш тезлик билан жорий қилинмоқда. Ана шуларнинг ҳаммаси Хитойга пахта етиштиришда дунёда биринчи ўринга чиқиб олиш имконини берди», деб ёзди Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари, республика Агросаноат давлат комитетининг раиси И. Жўрабеков «Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 22 май сонида чоп этилган «Янги Хитой» сарлавҳали мақоласида.

— Ғўзани кўчат қилиб ўтқазишнинг Хоразм, шу жумладан республика шароитида ҳам аҳамияти жуда катта, — деди Хоразм пахтачилик станцияси селекция ва уруғчилик бўлими мудири, биология фанлари кандидати Ж. Йўлдошев. — Чунки бўлиқ ва соғлом кўчатлар далаларга асосан баҳорги ёғин-сочинлардан кейин ҳаво ҳарорати ғўзанинг нормал ўсиши учун мақбул бўлган иссиқ кунларда ўтқазилади. Натижада ниҳоллар тез ривожланади. Қолаверса, бу усул жорий қилингач пахтачиликда энг машаққатли ва жуда кўп ишчи кучи талаб этиладиган яганалаш, далани ўтоқ қилишга ҳам ҳожат қолмайди. Ғўза ниҳолларини қўлда ёки помидор ва карам кўчатлари сингари машиналарда ўтқазиш ҳам мумкин.

СССР Озиқ-овқат программасида мамлакатда картошка етиштиришни кўпайтириш муҳим вазифа қилиб қўйилди. Аммо бу соҳадаги ишлар кўлами давр талабидан орқада қолаяпти. Чунончи Хоразм областида ҳар йили аҳоли талабидан 6—7 баравар кам ҳосил етиштирилаётганини асло кўнгилли ҳол деб бўлмайди. Масалан, 1987 йилда областда 44 минг тонна ўрнига 6,5 минг тонна картошка олинди, холос. Аҳолининг ана шу ғоят зарур озуқа маҳсулотига талаби мамлакат бошқа районларидан не-не машаққатлар билан ташиб келтирилган картошка ҳисобига аранг қондирилаяпти. Унинг нархи ҳам жуда қиммат. Масалан, Урганч бозорида бир килограмм картошканинг нархи йил бўйи деярли 80 тийин — 1 сўм 20 тийин атрофида бўлганини айтишнинг ўзи кифоя. Бу фақат Хоразмгагина хос манзара эмас. «Известия» газетасининг ёзишича, бу йил апрель ойида Ўзбекистон бозорларида картошканинг нархи 1987 йилнинг шу давридагига нисбатан 2 баравар қиммат эди.

Экинларни Маткарим Ибодуллаев таклиф этаётган схема бўйича жойлаштириш эса нафақат Хоразм области, балки республикада картошка етиштиришни кескин кўпайтириш имконини беради. Бунинг учун эса реал имконият ва резервлар мавжуд. Чунки ҳозир кўпчилик пахтакор хўжаликларда меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив шакли — оила ва бригада пудрати жорий этилган. Чунончи Хоразмда 42 мингдан зиёд оилавий звено ташкил этилган. Ибодуллаевнинг фикрича, агар ҳар оила атиги 100 квадрат метр майдонга ғўзани картошка билан аралаштириб экса, фақат шу ҳисобга область ҳар йили қўшимча 4—5 минг тонна эртаги картошка етиштириши мумкин. Бу эса ўз навбатида пахтакор оилаларнинг иқтисодини кўтариш билан бирга аҳолининг картошкага бўлган талабини ҳам анча яхши қондирарди. Тўғри, пахта майдонларининг тупроқ шароити ҳар хил. Ҳамма ерларда ҳам картошка етиштириб бўлмайди. Ибодуллаев зич тупроқли далаларда ғўза билан карамни аралаштириб экишни таклиф этаяпти. Карам кўчати ҳам худди картошка сингари 15—20 мартда ўтқазилиб, ҳосил 1—5 июнда йиғиб олинади.

Дарвоқе, Хоразм деҳқонлари далалардан бир мавсумда 2—3 ҳосил олиш бўйича муайян тажриба тўплаганлар. Эсимда: бундан ўн йил илгари Шовот районидаги «Ленинград» колхозида шу масала юзасидан кенгаш ўтказилиб, хўжаликнинг ибратли ишлари оммалаштирилганди. Урганч районидаги Ленин номли колхоз миришкорлари эса томорқа майдонларидан катта даромад олаётганликлари ҳам Хоразм тупроғининг нақадар серҳосил, унумдор эканлигидан далолат бермайдими?

Ҳа, Хоразмда суғориладиган экин майдонларининг потенциал имкониятлари чиндан ҳам катта. Эндиликда гап ана шундан самарали фойдаланиш ҳақида бориши керак. Барча ташкилотчилик ва сиёсий ишлар шундай олижаноб мақсадга бўйсундирилмоғи даркор.

Ҳ. РАҲМОНОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

РЕДАКЦИЯДАН:

Хоразмлик педагог М. Ибодуллаевнинг мазкур ихтироси юзасидан олимлар, деҳқонлар, хўжаликлар раҳбарлари ҳамда мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларини кутамиз.

УЗУМ САЙЛИ

Қадим-қадимлардан буён саҳоватли ўзбек диёрида танга қувват бахш этувчи хилма-хил узумлар етиштирилган. Республикада оммавий узум узиш 20 август куни Тошкентда бошланган узум сайли билан нишонланди. Ширин-шакар узумлар ортилган ва турли областлар хўжаликларидан пойтахтга етиб келган машиналар карвони карнай-сурнай садолари билан кутиб олинди.

Мана шу қадимий неъматнинг салкам беш минг тури маълум. Мамлакатимизда икки юз элликтадан ортиқ узум навн районлаштирилган. Ана шу узум турларининг деярли ярми Ўзбекистонда етиштирилади. Тошкентликлар сайр қиладиган жой — Карл Маркс кўчасининг пиёдалар юрадиган қисмида хилма-хил узум навларига кўзингиз тушади. Чиройли дастурхонлар ёпилган меҳнат столларига қишмиш, тонфи, чарос, ҳусайни, нимранг, паркент навли узум бошлари чиройли лаганларга солиб қўйилган. Деҳқонлар савдо базаларининг воситачилигисиз тўғридан-тўғри колхоз ва совхозлардан бу ерга ўзлари етиштирган мўл ҳосил намуналарини олиб келишган. Катта кўча тирлик қилиб қолиб, узум бозори Горький номли истироҳат боғида ҳам ташкил этилди. Узум сайли ташкилотчилари бу ерга мутахассисларни таклиф этдилар. Улар харидорларга турли касалликларни даволаш, саломатликни мустаҳкамлаш учун кенг фойдаланиб келинган узумнинг хусусиятлари тўғрисида сўзлаб бердилар.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,

Мазкур рейдимиз мавзусини газетхонларимиз таклиф қилишди. «Фалон хўжалик ёки район гўшт тайёрлаш планини ошириб бажарди, қабилидаги хабарларни тез-тез ўқиймизу лекин магазин пештахталарида бу маҳсулот кўпайганлигини сезмаяпмиз», — мактубларидан ана шу муаммони илғаб олиш қийин эмас. Яна бир газетхон озиқ-овқат маҳсулотлари фермадан то истеъмолчига етиб боргунча «тўкилиб» қолаяпти, шунга эътибор бериш керак, деган фикрни билдирибди.

Гўшт — яшашимиз учун зарур озиқ-овқат турларидан бири. Кундалик қозон қайнатиш учун масаллиқлар бошида шу маҳсулот туради. Ҳатто гўштни кўп истеъмол қилиш зарари ҳақида сўз юритиш ҳам таъсир қилмаяпти.

Халқ хўжалигини бошқаришнинг янги усуллари жорий этилгач гўшт ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланадиган корхоналар ҳам агросаноат комплексининг асосий бўғинларидан бирига айланди. Шу боисдан йўлимиз Тошкент областининг гўшт комбинатлари бўйлаб ўтди.

Эрта тонгдан эзгу ният билан йўлга чиқишда ҳикмат кўп. Лекин Чирчиқ гўшт комбинати таъминотчиси Амир Бобоев ва шофёр Абдували Тошматов меҳнат кунини эгри йўлдан бошлашга аҳд қилишди. Улар 86—13 ТШН «УАЗ-3303» маркали машина кабинасига гўшт ва колбасаларнинг энг асил сортидан қоғозларга ўраб жойлаштирдилар. Энди эсон-омон манзилга етиб олиш мумкин. Кутилмаганда бошқа бир ҳайдовчи — Қодир Тожиев касбдошидан автобазага ташлаб қўйишни сўраб қолди. Илтимосини рад этмоқчи эдию Қ. Тожиев шахсан директорнинг номидан айтгач «йўқ» деёлмади. Майли, автобаза машинада узоқ эмас, унгача Амир Бобоев шу ерда кутиб тура қолади.

Афсуски, ана шу йўл бу сафар хавфли чиқди. Машина мўлишдан бурилаётганда милиция ходимларининг ишораси билан тўхтатилди.

— Шунча гўштни кимга олиб бораяпсизлар? — бу саволдан рулдаги ҳайдовчи каловланиб қолди.

— Ие, гўштни ким солиб қўйибди? Буни қаранг-а, пайқамабман.

Ваҳоланки, саноқли дақиқалар илгари Қ. Тожиев бу ҳақда сўраганда Абдували:

— Ишинг бўлмасин, ўтиравер машинага, — деганди.

Оператив ходимлар ҳам анойи эмас, шофёрнинг гўл киши ролини ўйнаганига ишонишмади. Машина комбинат ҳовлисига қайтариб келтиришди. Ундаги маҳсулотлар тарозидан ўтказилди: янги сўйилган барра қўй гўшти 10 килограмм, мол гўшти 13 килограмм, «Сервилат» колбаса 9 килограмм, газакбоп колбаса 1 килограмм, «Докторский» колбаса 4 килограмм тош босди. Уларни пулга чақканда 134 сўм 84 тийинга тўғри келди.

Биз ҳар қанча сўраб-суриштирмайлик бу маҳсулотлар қаерга олиб кетилаётганини аниқлаб бўлмади. Шофёр йўлланмасида «шаҳар бўйлаб» деган сатрдан бошқа ҳеч нарса ёзилмаган. Унинг қўлида гўшт ва колбаса учун ҳужжат ҳам йўқ эди.

Орадан кўп ўтмай, уч кундан буён бетоб ётган директор Суннат Расулов комбинатга етиб келди, лекин кун бўйи таъминотчи Амир Бобоевни топишнинг иложи бўлмади. Қандай қилиб ҳам келсин, бундай «ишкал» дамларда кўзга кўринмай бўладими?!

Магазин пештахталарида колбаса «анқонинг уруғи» бўлиб қолганлиги маълум. Лекин шундай бир пайтда оз эмас, кўп эмас — 428 килограмм колбасани комбинатга қайтариб олиб келишса нима дердингиз? Ишонмасдингиз-а? Аслида шундай бўлди. Тошкент шаҳридаги Ленин район озиқ-овқат савдоси идорасининг экспедитори М. Маҳмадалиев 15 август куни шунча маҳсулот билан келганида

ГЎШТГА ЧОВУТ СОЛГАНЛАР

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги ва «Қишлоқ ҳақиқати» газетаси қўшма рейди

комбинатда ўрнига-ўрин ҳеч нарса йўқлиги учун изига қайтди. Ўзининг айтишича, шунча маҳсулотни 3-магазин камерасига қўйди. Эртаси куни яна машинага ортиб комбинатда ҳозир бўлди. Эскиргани ўрнига янгисини ортди. Тарозибон Тоҳир Иноқов 17 килограмм колбасани уриб қолганига ҳам эътироз билдирмади. Бу тафовутларнинг ҳаммаси оператив ходимлар иштирокида қайтадан тортиб кўрилганда аниқланди.

Экспедиторнинг айтишича, Ленин районидаги 2-магазинда 103 килограмм, 3-магазинда 15 килограмм, 30-магазинда эса 310 килограмм колбаса қайтиб келган. Хўш, нега шундай бўлди? Савдони ташкил этишдаги камчиликлар шундай аҳволга олиб келдимикан? Эҳтимол, сотувчилар бу тансиқ маҳсулотни бекитиб қўйиб эскиртиргандирлар? Қандай эканлигидан қатъий назар, маҳсулотни нобуд қилишнинг бу ҳолатига асло лоқайд қараб бўлмайди. Агар рисоладагидек иш юритилганида шунча маҳсулот истеъмолчи дастурхонига етиб борарди.

Комбинат дарвозасидан чиққан 69—45 ТШМ номерли «ГАЗ-53» автомашинасидаги маҳсулотлар тарозидан қайта ўтказилганда «Дорожний» колбасаси 64 килограмм кам, «Докторский» 37 килограмм, «Сервилат» эса 8 килограмм кам чиқди. Буларнинг ҳиссаси «Городской» колбасаси билан чиқариб юборилган шекилли, у 52 килограмм ортиқча бўлди.

17 август куни Ангрен гўшт комбинати дарвозаси олдида ҳайдовчи Эдвард Шатверов 5 килограмм гўштни олиб кетаётганда қўлга тушди. Эдвард шаҳарнинг эрка шофёрларидан: у бошқарадиган «Волга»нинг 02—71 ТШО номериёқ ҳеч нарсадан тап тортмай иш бошқаришига имкон яратади. Қани, Ангренда унинг мушугини «пишт» дейдиган одам топилармикан? Ахир у «Узбекшахтострой» раҳбарларини олиб юради! Лекин Эдвард у замонлар ўтиб кетганлигини, кўза барибир бир кун синишини билмас экан. Қўқисдан қўлга тушганда гўштни кимдан олганлигини айтиб беролмади. «Танимайман» деб қўя қолди. Ахир бунақа пайтларда танийман деб бўлармиди?! Нақ балога қолиш мумкин. Бироқ дарвоза қоровули унга гўштни экспедитор Абдуҳолиқ Абдуқаюмов «билдирмасдан» олиб чиққанлигини айтди.

Гўшт комбинатларида ўғирликнинг олдини олиш учун қатор тўсиқлар ўрнатилганки, булар ичида энг асосийси дарвоза олдидаги қоровуллик постларидир. Бу жойларда ҳалол, принципиал кишилар туришлари керак. Уларнинг сергаклиги кўп нарсани ҳал қилади. Лекин айни шу жойда турувчи қоровулларнинг ўзлари ўғирликни амалга оширишда «намуна» бўлишса, додингизни кимга айтасиз?! Оператив ходимларнинг маълумотларига кўра Чирчиқ гўшт комбинати қоровули Т. Кенжаев навбатда турган куни 30 килограмм гўшт, 2 килограмм 300 грамм колбаса билан қўлга тушган. Янгийўлдаги колбаса тажриба заводи қоровули Қуронбой Фозилов Комил Эрназаров билан тил бириктириб роппа-роса 64 килограмм (377 сўмлик) колбасани ўмараётганда сири фош бўлиб қолган. Ана холос! Халқ мулки ишониб топширилган кишилар шундай қилишса-я! Улар оддий ишчилардан ҳалолликни қандай талаб этишаркан?!

Бўшашувчанлик, ўз ҳолига ташлаб қўйиш рўй берган жойларда ташимачилик, талонторож авж олади. Милиция ходимлари Тошкент гўшт комбинатида сменадан сўнг уйга қайтаётган ишчилар ўтирган автобусни текшириб кўрмоқчи бўлишди. Ишчи Оксана Дягилованинг қўлидаги идишдан нақ 3 килограмм чўчқа гўшти, 5 килограмм 400 грамм мол гўшти чиқди. Шу дақиқаларда автобусдаги 9 киши ўз «ўлжа»ларини оёқ остига ташлаб юборишди: қўлидан ушламаса ҳисоб бўлармиди? Буни қарангки, автобусдан жами 30 килограмм гўшт ва гўшт маҳсулотлари «йиғиштириб» олинди. Бунақа «ҳосил» корхона раҳбарлари учун ташвишли сигнал бўлиши керак. Табиий савол туғилади: хўш, комбинат эшиги ёнида-ги қоровул қаёққа қаради? Гап шундаки, қоровулхона текшириб кўрилганда 12 килограмм гўшт ва гўшт маҳсулотлари чиққан. Демак, сен менга тегма, мен сенга тегмайман, экан-да! Шундай хаёлга борамиз: бу аҳвол текшириш ўтказилган кунда аниқланди, ахир ҳуқуқ-тартибот ходимлари ҳар куни қоровуллик қилишолмайди-ку?! Бошқа кунлари давлат мулки, халқ ризқу насибаси туйнукдан чиқиб кетмаётганлигига ким кафолат бера олади?

Гўшт танқислиги олибсотарлик деб аталмиш ярамас илланинг яшашига имкон туғдириб келаяпти. Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхози аъзоси А. Амирбеков ташқи кўринишидан кўй оғзидан чўп олмайдиган инсон. Лекин меҳнатсиз даромад орттиришга келганда унинг суяги йўқ. Буни қарангки, А. Амирбеков Тошкент шаҳрининг Куйбишев районидаги 14-магазин сотувчиси Р. Тоировдан аслида 1 сўм 80 тийинлик гўштни 2 сўм 50 тийиндан сотиб олиб, ўз районидаги «Октябрь» колхози аҳолисига 3 сўмдан пуллаган. Олиб сотилган гўшт ҳажми 141 килограмм. Бу олғир магазинчи ва савдогарнинг юрагига, устамонлигига тан бермай иложимиз йўқ! Сотувчи Р. Тоиров жон койитмасдан 58 сўмни, А. Амирбеков эса бели оғримасдан 71 сўм 50 тийинни жиғилдонларига уриб юборишаётган экан-а! Йўқ, бу луқманинг суяги каттароқ экан, тиқилди, охири тешиб чиқди.

Агар юқоридаги ҳолатда магазин сотувчиси бойлик орттириш учун ўртага восита-чи қўйган бўлса, «Средгазнефтестрой» трести ишчилар таъминотига қарашли 22-ошхона бош ошпази Э. Исломов бунақа ишларга бировни аралаштириб ўтиримайди. Нақдгина ўлжани бўлиб ўтирадими? У ҳар килоси 1 сўм 80 тийинлик гўштдан 100 килограммини (ҳисобга тўғри-да) уч сўмдан 300 сўмга «сув» қилган. Шу баҳонада 120 сўм пул унинг ҳамёнидан жой олган. Ҳурматли газетхон, шу гўшт аслида сиз ва биз каби инсонларнинг насибаси. Уни олибсотарлар мўмай даромад манбаига айлантириб юборгани жудаям алам қилади.

Рейдимиз давомида яна кўплаб найрангбозликнинг томири қирқилди. Бу операцияда Тошкент область ички ишлар бўлими ОБХССининг оператив ходимлари фаол иштирок этдилар. Жойларда йўл қўйилаётган ноқонуний ҳаракатларни таҳлил қилишда бир ҳолат эътиборимизни ўзига тортди. Масалан, бирор корхона ходими ташимачилик, аниқроғи, ғўғирлик устида қўлга тушди, дейлик. Унинг айби бўйнида. Лекин корхона раҳбарлари шу ўринда вазиятга тўғри баҳо бериш, айбдорни фош қилиш ўрнига унинг тарафини олишга, бирор фатво топишга уринадилар. Йўқ, бу йўл билан корхона шаънишавкати кўтарилмайди, аксинча, салбий одатларнинг келгусида яшаб қолишига имкон яратилади. Шу ўринда бизда бир таассурот туғилди: директор учун ўғирликнинг содир бўлиши эмас, балки унинг бегона кишилар олдида фош бўлиши ташвишлидек. Ахир шунақа кайфият билан аҳволни ўнглаб бўладими? Йўқ, албатта!

Ўйлаймизки, юқоридаги мисоллар корхоналарда ҳар тарафлама муҳокама мавзуи бўлиб қолади. Комбинатларнинг раҳбарлари энг аввало эл-юрт манфаати, давлат манфаати нуқтаи назаридан мулоҳаза юритсалар, қайта қуриш талабларига муносиб жавоб берган бўлардилар.

Р. МАДРАҲИМОВ,
Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги БХСС бошқармаси оператив ходими, милиция майори.

Ш. ЖАББОРОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Калинин районидаги «Назарбек» совхози деҳқонлари бу йил 300 тонна узум, кўплаб сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўзлашган. Айни кунларда пишган ҳосил йиғиб-терилиб, пешма-пеш истеъмолчиларга жўнатилаяпти.

СУРАТДА: тажрибали соҳибкор Зокир Юсупов.

М. НУРИДДИНОВ фотоси.

ГУРЛАН КОНСЕРВАСИ

Гурлан районидаги «Коммунизм» колхозида мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган янги цех қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Уни 1-«Облагропромстрой» бирлашмасига қарашли хўжаликлараро механизациялашган 283-кўчма колонна бунёдкорлари барпо этяптилар. Объектда 900 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштириш кўзда тутилган.

Колхоздаги саноат корхонаси қурилиб фойдаланишга топширилгач йилига 1 миллион шартли банка тузланган бодринг, помидор консервалари, турли хил мурабболар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, бу цехда нафақат «Коммунизм» колхозида, балки районнинг бошқа хўжаликларида етиштирилган мева ва сабзавот ҳам қайта ишланади. Илгари улар кўпгина оворагарчиликлар билан область марказига олиб борилар эди. Эндиликда катта миқдорда транспорт харажатлари тежалиб, нобудгарчиликларга чек қўйилади ва маҳсулот сифати яхшиланади. Колхозда саноат корхонасининг ишга туширилиши бу ердаги мавжуд меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш имконини беради.

О. УРОЗБОЕВ.

МЕҲНАТГА ЯРАША ҲУРМАТ

Учқўрғон дон маҳсулотлари комбинати фақат Наманган областидагина эмас, балки Фарғона водийсидаги йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Бу ерда меҳнат қилаётган аҳил коллектив халқимизнинг озиқ-овқатга, чорванинг омухта емга бўлган талабини янада тўлароқ қондириш мақсадида ички имкониятларни ишга солаяпти. Корхонада сакқиз ойлик топшириқлар асосий кўрсаткичлар бўйича бажариб қўйилди.

Комбинат цехлари, участка ва бригадалари ўртасида ўзаро социалистик мусобақа пухта ташкил этилган. Меҳнат беллашуви натижалари ҳар квартал ва ойда чиқарилиб, голиблар моддий ҳамда маънавий рағбатлантирилмоқда. Энг сўнгги якунга кўра Содиқжон Жўраев ва Равшан Қозоқов бошлиқ коллективлар социалистик мусобақа голиблари деб топилдилар. Уларнинг номлари корхона ҳурмат тахтасига ёзилди.

А. АБДУҒАНИЕВ.



ТАБИАТ ВА ИНСОН

ЛАЙЛАК УЯСИ

Яқинда туғилган қишлоғим Дўстбердида ажойиб бир манзаранинг гувоҳи бўлдим — лайлаклар сув қувури минорасига уя қўйиб учта бола очибди. Икки лайлак — ота-она минора устида гирдикапалак— бири учиб келиши билан уяда ўтиргани фазога кўтарилади. Учиб келгани шунчаки сайр қилиб қайтмаган, қаерларда сақиб юриб болалари учун овқат излаган. Балким неча-неча бор ширин жонини ўртага қўйиб ўлимга ҳам тайёр турган. Мана, учиб кетган ота лайлак ўрнига, она лайлак келиб қўнди—учта полапон чуғурлашиб оғизларини ланг очганча қаршн олишди. Она лайлак полапонлари кутишини билади. Шунга яраша ғамини еган. Ланг очилган оғизларга онанинг тумшуғи навбатлаб кириб чиқади. Бир мартадан эмас, икки, уч мартадан. Шундай овқатлантиради, сув беради. Болалари вояга етмай уядан тушиб кетиб ҳалок бўлмасликлари учун қил ип билан боғлаб қўйишади. (Қалдирғочларда ҳам бу одат қабул қилинган). Кейин улар уяда туриб баландга сакраб-сакраб, учиб-қўниб машқ қилишади. Авлоддан авлодга ўтиб келаётган ҳаёт тажрибалари шунақа. Бу ўз навбатида наслга ўтиб бақувват хислатга айланган. Кўп ўтмай ташвишли чуғур-чуғурлар аллақандай мамнун виғир-виғирлар билан алмашади. Тепада эса саратон офтоби ўт пуркаб турибди. Эҳ, полапонлар тепасида бирон дарахт шохи соя бериб турармиди-я... Бироқ уларни асрайдиган соя йўқ эди. Ахир уя дарахтда эмас, сув қувури минорасида ўрнашган. Она лайлак полапонларини озиқлантириб бўлгач, қанотларини ёзиб полапонлар устида ҳозир бўлди. Шундай қилмаса улар кунёш тиғидан ҳалок бўлишлари аниқ. Онанинг қанотлари ҳамон соябон. Қаноти толади, дам олгиси бор. Лекин у болаларини асраши керак қуёшдан. Бу — ҳаёт масаласи. Болалари учун овқат излаб кетган ота лайлак қайтиб келмай қанотларининг дам олиши, букилиши мумкин эмас. Болаларини асраши, насл қолдириши керак. Насл қолдирмаса изсиз йўқолади. Изсиз йўқолмасликлари шарт. Борлиқнинг умумий қонуни шунақа. Мана, ота лайлак ҳам қанот қоқиб фазода кўринди. Она лайлак қанотларини соябонликдан йиғиштириб олади-да, бир сакрашда ҳавога кўтарилади. Отанинг келиб қўниши учун уяда жой бўшайди. Онанинг қанот қоқиб қўтарилиши билан уяда яна қувончли чуғур-чуғурлар бошланади. Шодмонлик бежиз эмас — энди уларни отанинг топиб келган совғалари кўтади. Ҳозиргина она учиб кетган жойга қанотларини кериб ота келиб қўнади. Ланг очилган уч оғиз чуғурлашиб отага ташланишади. Ота ҳам она каби болаларини овқатлантириб, сув беради. Яна мамнун виғир-виғирлар бошланади. Болалари овқатланиб бўлиши билан ота лайлак ҳам дарҳол қанотларини ёзиб полапонларни тепасида соябон бўлади. Энди она қайтганича соябон бўлиш навбати уники. Полапонлар эса темир минорада туришибди. Тепаларида ота-она қанотларидан бошқа соябон йўқ. Ота-оналар болаларини шундай азоблар билан вояга етказишади. Учқур бўлишгачча бошлари устида гиргиттон. Ахир улар ўзларидан насл қолдиришлари керак!

Лайлаклар уя қўйиш учун қандай қилиб сув минорасини танлашди?

Охирги йиллари уя қўйиш учун жой излашиб жиннилари чиқди. Ҳар қандай жойга уя қўйиб бўлармиди! Одатда улар ўз уялари учун кекса тут дарахтларини танлашади. Уяларини қуриган ёки шамолдан синган шохларга қўйишади. Дўстбердида ҳам, қўшни Кичик Чилшувид қишлоғида ҳам бу турлари шундай тутлар кўп эди. Замон зайли билан қишлоқ жойлари-ю қиёфаларигача ўзгариб қолди. Қишни иссиқ ўлкаларда ўтказиб баҳорда Дўстбердига қайтган лайлаклар ҳайратда — уя қўядиган тутлардан ном-нишон йўқ. У ёққа-бу ёққа учишиб боғу бўстон ичида ётадиган бутун бир қишлоқда уя қўядиган ўрин, дарахт топишолмади. Бошқа жойларга учиб кетишга кўнгиллари йўқ — бутун зотизурриёди Дўстбердида тухум босиб, бола очган. Жой излаб сарсон-саргардонликда тухум босадиган вақтни ўтказиб қўйишиб қанча-қанчалари насл қолдиришолмай изсиз йўқолишди. Насл қолдириш, қайта яшаш учун ҳам шароит керак экан. Ажабо, нима бўлди уларнинг уя қўядиган тутларига? Энди қандай қилиб уя қўйишади, қандай қилиб насл қолдиришиб, ҳаётлари абадий давом этади?

Ростдан ҳам ташвишга тушадиган масалалар ўртага қўйилганди. Насл қолдириш учун қанча-қанча дарёлар, денгизлар ошиб жонажон Дўстбердиларига қайтишса-ю уя қўядиган биронта тут дарахтини топишолмаса... Уларнинг азим тутлари Чимқўрғон сув омбори тагида қолиб кетганди. Сув тагида захлаб қуриган тутлар кўп ўтмай болта ва арраларнинг дамларига учради...

Баҳор ўтяпти. Уя ғамини ейдиган вақтлар келиб етди. Хўш, қаерга уя қўйишади, қандай қилиб насл қолдириб, ҳаётларини абадий давом эттиришади? Усаётган янги дарахтлар уя қўйишга ярамайди. Ғужжа шохлари қанотларини қайиришади, пакана дарахтларга уя қуйишса болалардан тинчлик бўлмайди.

Ота, она лайлаклар ўзларининг болалиги ўтган Дўстбердини роса кузатиб боқишди. Афсуски, иш чатоқ. Наҳотки улар ҳам насл қолдиролмай, янги авлодларда қайта яшаёлмай изсиз кўз юмишса...

Кунларнинг бирида назарларига баланд минора кўринди. Бу Дўстберди қишлоғининг ўртасида қад кўтарган сув минораси эди. Темир минора. Хуллас, шу ерга уя қўядиган бўлишди. Ўша кундан бошлаб минорага хас-хашаклар ташишга киришдилар. Бироқ ҳар гал уя учун ғамлаб келган хас-хашакларни жойида учратолмай ҳайратда. Уларни темир минорадан дайди шамол улоқтириб ташлаётганди. Лайлаклар бири кетидан бири тағин хас-хашак йиғиштириб келишди. Йиғиштирганлари уя учун озлик киларди. Яна хас йиғиштириб келиб уя қуриш ташвишида учиб кетишди. Қайтиб келишса, хас-хашаклардан яна номнишон йўқ. Шамол лайлакларнинг не-не азоблар билан йиғиб келган хасларини тағин улоқтириб ташлаганди. Нечанчи марта улоқтириб ташлаши?..

Бу кўргиликлар лайлакларнинг тинкасини қуритди. Ҳафсалалари пир бўлиб мустар қолишди. Энди уяни қаерда қуришса...

Бундай манзарани ёш трактторчи Ҳайдар Норқобилов дарахт соясида турибзимдан кузатмоқда эди. Лайлакларнинг бекорга кетаётган уринишларини кўриб ич-ичидан ачинди. Хўш, лайлаклар учун нима қилди?

Тракторнинг эски покришкасини атайин излаб топиб келди ва чаққон ечиниб покришка боғланган симнинг бир учини белига боғлаб ўттиз метрли минорага тирмашди...

Лайлаклар айнан Ҳайдар ўрнатган покришкага уя қўйишди. (Хас-хашакларни энди шамол учириб улоқтиролмади). Гоҳ-гоҳда қанот ёзишиб, уялари устида учиб-учиб машқ қилаётган учта лайлак болалари шу покришкадаги уяда очилган.

Ҳайдар номли азамат трактторчи Дўстберди лайлакларнинг наслини асраб қолди.

Бобомурод ДАМИНОВ.

Чотқол тоғ-мелиорация станциясининг Кулсой таянч пункти коллективи олдида гўзал арчазорларни сақлаш ва кўпайтиришдек муҳим вазифа турибди. Зомин тоғларида эса уларни тиклаш бўйича илмий-тадқиқот ишларни олиб борилмоқда. Ниҳоллар нссиқхоналар ва кўчатзорларда олимлар кузатувида ўстирилаётир. Қулай муддат келиши билан улар тоғ қияликларига кўчирилади. Арчазорлар майдони ҳар йили 10—15 гектар кенгаймоқда.

Шуни таъкидлаш зарурки, бу дарахт кўпгина фойдали хусусиятларга эга. Мединклар санаторий комплексларини айни арчазорлар яқинида қуришни тавсия этмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: 1. Кулсой таянч пунктининг ўрмончиси Р. Қорабоев. 2. Зинапоя усулида кўчат ўтказишга тайёргарлик кўрилаяпти.

С. ВЕЛИЧКИН ва А. КОШКИН фотолари.

ТОҒ ТЕПАСИДА ШИФОХОНА

Зомин районида очилган янги санаторийда катта ёшдаги кишилар ҳам, болалар ҳам дам олишлари мумкин. Шифохона Туркистон тоғ тизмалари ён бағирларидаги арчазорлар орасида қад кўтарди.

Мамлакатимизда ва чет элларда ишлаб чиқарилган энг янги медицина ускуналари билан жиҳозланган поликлиника, сауна, суви иситиладиган иккита бассейн дам олувчилар ихтиёрига берилган. Нафас олиш йўли касалланган катта ёшдаги кишилар ҳамда болаларни санаторийда игна-барг ва марварид ваннаси, массаж, бошқа физиотерапия процедуралари ёрдамида даволайдилар. Икки кишилик палаталар, кўндан-кўп кутиш хоналари шинам ва чиройли безатилган. Санаторийда бир вақтнинг ўзида 600 га яқин ота-она ўз болалари билан биргаликда саломатлигини тиклаши мумкин.

Лойиҳачилар ва қурувчилар баланд тоғ тепасида шифохонани барпо этар эканлар, ноёб манзил экологиясига путур етказмасликка ҳаракат қилдилар. Биноларнинг томида хоналарни иситиш учун гелиоқурилма монтаж қилинган, қозонхона электр ёрдамида ишлаб турибди.

(ЎзТАГ).

МУЗЕЙ ЁРДАМГА МУҲТОЖ

ХАТ ТАҲРИРСИЗ БОСИЛМОҚДА

Кўп замонлардан буён яшаб келаётган тарихий-маданий ёдгорликларни чуқур ўрганиш, кўз қорачиғидек авайлаб асраш ва келгуси авлодга етказиб бериш ҳар бир халқнинг маънавий бурчидир. Дарҳақиқат, ўтмишни пухта ўрганмай туриб, ҳозирни гўзал замонамиз мазмунини ва келажакни тасаввур қилиш мумкин эмас.

Самарқанд областининг Оқдарё районидаги Даҳбед посёлкасида 1975 йили эски мачит биносида тарих-ўлкашунослик музейи очилганди. Аввало шуни айтиш керакки, Даҳбед посёлкаси Самарқандга жуда яқин. Демак, бу музейнинг фаолият кўрсатиши қийин. Чунки область марказининг ўзи музей-шаҳар ҳисобланади.

Энди музейнинг аҳволига назар ташлайлик: у посёлкадан ўтадиган катта йўлдан 200 метр берида жойлашган. Лекин биронта кўрсаткич белги қўйилмаган. Музей атрофлари онда-сонда супуриб тозаланади. Кираверишдаги эшикда оддий картонга фақат рус тилида «Уз ССР, Акдарьинский районный историко-краеведческий музей» деб ёзилган, холос. У ҳам эскириб, ранглари ўчиб кетган. Ичкарига бош суқушимиз биланоқ «гуп» этиб зах ҳиди димоққа урилади. Хоналарга ёруғлик яхши тушмайди. Экспонатлар жуда оз. Музей ташкил қилинғандан буён маблағ ажратилмаган. Янги экспонатлар келтиришга рухсат йўқ эмиш.

Бу ерда район қачон ташкил этилгани, ҳатто биринчи район маркази Даҳбед қишлоғи бўлгани, кимлар жонбозлик кўрсатгани, уларнинг ишларидан ҳикоя қилувчи маълумотларни тополмадик.

20—30-йиллардаги ёшлар ҳаракати, уларнинг ташкилотчилари Ҳамроқулов, Нурқобилов, Жуманов, Жўраев ва Санаваров ҳақида маълумотлар тўпланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунингдек, «Ҳужум» ҳаракатининг фаоллари — ўнлаб хотин-қизлар ваҳшийлик, жаҳолат қурбони бўлишган. Аммо уларнинг хотиралари абадийлаштирилмаган.

Ўзбекистон оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев бошчилигида Даҳбед яқинидаги Чоржўй, Янгиқўрғон ва бошқа жойларда уюштирилган коммуналар, уларнинг раҳбарлари ҳақида ҳужжатлар кам, борларининг эса исм-фамилиялари чалкаштириб юборилган.

Улуғ Ватан уруши даври ҳам тартибсиз ва қашшоқ акс эттирилган. Қаҳрамонлик кўрсатган кишилар тўғрисида ҳикоя қилувчи экспонатларни учратмадик. Ҳолбуки, оқдарёликлардан 6.978 киши жангга кетиб, 4.400 нафари мардларча ҳалок бўлган.

Диний хурофот қанчалик-қанча хотин-қизларимиз умрини хазон қилди, авом халқ дин таъсирида эзилиб келди. Бу борада ҳам районнинг ўзидан кўплаб фактлар топиш мумкин. Ачинарлиси шундаки, район ва областда ўнлаб ташкилотлар музей шу аҳволга тушгунча хабар олмадилар. Ёки огоҳ бўлсалар, нега жимгина юришибди?! Ҳозир мамлакатимизда қайта қуриш кетмоқда. Шундай экан, бу соҳага ҳам эътибор беришга навбат келди!

Оқдарёлик минглаб меҳнаткашларнинг нияти шуки, бой тарихга эга бўлган музей район марказида ташкил қилиниши лозим. Яъни, Оқдарёдаги музей Лойишга кўчирилиши керак. Даҳбеддагиси эса унинг филиали бўлиб қолиши зарур.

Шодиқул НАЗАРОВ,
уруш ва меҳнат ветерани.

Ёзги таътил кунлари тугай деб қолди. Ҳадемай янги ўқув йили бошланади. Мактабдошлар учрашганларида қандай дам олишганини бир-бирларига завқ-шавққа тўлиб гапириб беришади. Ана шундай дамларда Жиззах районидаги 76-от заводининг «Орлёнок» пионер лагерида ҳордиқ чиқарган ўқувчилар музика раҳбари Бахтиёр Худойбердиевни эсга олишлари табиий. Чунки совхоз маданият уйида ишлайдиган бу санъатсевар пионер ва ўқувчиларга кўплаб қўшиқлар, рақс куйларини ўргатмоқда.

СУРАТДА: репетиция пайти.

Ш. ТЎРАЕВ фотоси.

ҚАТРАЛАР

СИРЛАРИМ ЁЙМА ОЛАМГА...

СОЧ

Ҳар куни эрталаб кўзгу олдида тўхтаб қоламан. Сочларимни тарайман, бирдан унда сизнинг қоп-қора кўзларингиз кўрингандек бўлади.

Эсдалик учун берган тароқка тикиламан, ундан сизнинг қўлларингиз изи, сочларингиз ҳиди уфургандек туюлади.

Сочимни тутаман, гўё сиз тараб қўяётгандек... Кўзимни юмиб хаёлга ботаман. Ана, сиз ёнимда, жонимда, вужудимдасиз...

Ҳар куни эрталаб кўзгу олдида бир зум тўхтаб қоламан.

ҚЎШИҚ

Бугун дам олиш куни, ёлғизман. Радиони ёқайман... Бирдан сиз севиб куйлайдиган қўшиқ эшитилади.

«Кўча-кўйда ҳар кишига бўзлатиб қўйдинг мени...»

Эсингиздами! Ўша куни шу қўшиқни куйлагандингиз. Мен эса қоп-қора кўзларингиздан нигоҳимни узолмай қолгандим. Энди билсам, ўша куни мен учун ҳаётимда энг бахтли бўлиб, бир умр хотирага айланган экан.

Орадан ойлар, йиллар ўтди. Ўша кундаги тарона битмастуганмас қўшиққа айланди. Қулоқларим остида сизнинг овозингиз эшитилади.

БЕГОНА

Эрталаб ёғаётган ёмғир жадаллашди. Унга тикиламан, ҳозир ёмғир орасидан сиз чиқиб келаётгандек, гўё келиб иссиқ кафтингиз билан қўлларимни иситадигандек. Мен эса ёмғир томчилари сузаётган сочларингизга, кўзларингизга тикилиб қоламан.

Мен сизни жуда кеч учратдим. Ҳаётдан миннатдорман, учратмаганимда нима бўларди!

Ҳамон ёмғир ёғмоқда. Кимнингдир оёқ шарпаси хаёлларимни бўлади, жуда таниш-дек. Қайсидир қиз туфлиси пошнасини тақиллатганича ёнгинамдан ўтиб кетди: «бегона». Бу сўз юракка қадалади...

Мансур ИНОМХОНОВ.



Қашқадарё областидаги «Каршистрой индустрия» бирлашмасида халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозирги пайтда бу ерда қирқ хил шундай моллар тайёрланаяпти. Дурадгорлик буюмлари, керамзит-бетон блоклар, чорбоғлар учун мўлжалланган темир-бетон конструкциялар шулар жумласидандир. Бирлашмада ташкил этилган халқ истеъмоли буюмлари бўлими барча тадбирларни назорат қилиб, юмушларнинг сифатли бажарилишини таъминлаяпти. Алоҳида бригадалар, уй-жойлар ремонти, аҳоли юкларини кўзланган манзилларга етказиб бериш билан шуғулланмоқдалар.

СУРАТДА: бирлашманинг ихтисослашган магазинида дурадгорлик буюмлари савдоси пайти.

Ш. ШАРОПОВ фотоси. (ЎзТАГ).

Спорт ахборoти

КУЧЛАР ТЕНГ КЕЛГАНДА

Футбол бўйича мамлакат чемпионатининг олий лигасида навбатдаги турда айни шундай ҳолат рўй берди. Етти учрашувдан бештасида кучлар тенг келиб, томонлар очколарини баҳам кўрдилар. Масалан, олий лига пешқадами «Днепр» (Днепропетровск) коллективининг Москвада маҳаллий спартакчилар билан баҳсида дарвозалар тўрт бор ишғол этилди. Командалар ҳисобига иккитадан тўп ёзилди (2:2). Натижада «Днепр» билан «Спартак»нинг дуранглар имтиёзи тугади. Энди шундай ҳисоб қайд этилган тақдирда улар очко олишмайди.

«Черноморец» — «Шахтёр», «Металлист» — «Динамо» (Киев), «Нефтчи» — «Арарат» матчлари бир хил — 1:1 ҳисобида тугади. «Зенит» — «Динамо» (Минск) учрашувида ҳисоб очилмади — 0:0. Москва торпедочилари Олмаотанинг «Қайрат» командаси дарвозасига жавобсиз иккита тўп йўлладилар. «Жальгирис» ўз майдонида Москванинг «Локомотив» коллективидан мағлубиятга учради — 1:2.

Шундай қилиб, навбатдаги тур учрашувларидан сўнг олий лига ўйинлар жадвалининг юқори қисмида айтарли ўзгариш бўлмади. «Днепр» 30 очко билан биринчи, Киев динамочилари 28 очко билан иккинчи ўринда бораяптилар.

«ПАХТАКОР» ОЛТИНЧИ ЎРИНДА

Биринчи лига чемпионатида бўлиб ўтган навбатдаги тур учрашувлари Тошкентнинг «Пахтакор» командасига муваффақият келтирди. Ҳамюртларимиз ўз майдонларида пешқадам коллективлардан бири —Ставрополнинг «Динамо» клубини қабул қилдилар. Учрашув тошкентликлар устунлигида ўтди. Ярим ҳимоячи Геннадий Роткович биринчи бўлим охирларида меҳмонлар дарвозасини аниқ мўлжалга олди. Иккинчи бўлимда В. Постнов ҳисобни 2:0 га етказди. Шундан кейин яна Роткович маҳорат кўрсатди. У учинчи тўпни киритиб, командасининг йирик ҳисобда галаба қозонишини таъминлади.

Бу учрашувда пахтакорчилар ҳисобни 4:0 қилишлари мумкин эди. Аммо команда капитани Геннадий Денисов ўн бир метрли белгидан тўпни дарвозага аниқ йўллай олмади.

Биринчи лига карвонбошиси — Душанбенинг «Помир» командаси қаторасига учинчи марта дуранг ўйнади. Тожик футболчилари ўз майдонларида Оржоникидзенинг «Спартак» командаси қаршилигини енга олмадилар — 1:1.

Бошқа учрашувлар натижаси: «Даугава» — «Звезда» — 4:0, «Гурия» — «Ростсельмаш» — 2:0, «Металлург» — «Шинник» — 1:0, «Котайк» — ЦСКА —1:1, «Ротор— СКА (Ростов) — 1:1, СКА «Карпати» — «Геолог» — 0:0, «Динамо» (Ботуми) — «Заря» — 1:0, «Колос» — «Таврия» — 0:1, «Кубань» — «Кузбасс» — 1:1.

Пахтакорчилар навбатдаги учрашувни ҳам ўз майдонларида ўтказадилар. Улар эртага Оржоникидзенинг «Спартак» командаси билан куч синашишади.

КИМ ЧЕМПИОН БЎЛАДИ?

Шахмат бўйича мамлакат 55-чемпионати тугади. Аммо олтин ва кумуш медалларнинг соҳиблари ҳозирча аниқланмасдан қолди. Теппатенг — 11,5 тадан очко тўплаган тож соҳиби Гарри Каспаров билан собиқ жаҳон чемпиони Анатолий Карпов яна таҳсинга лойиқ.

Мусобақа низомига мувофиқ улар ўртасида тўрт партиядан иборат қўшимча матч ўтказилиши даркор. Кеча жаҳоннинг кучли гроссмейстерлари ўзаро баҳсни бошладилар. Бу сафар ким голиб чиқаркин? Шахмат ишқибозларини қизиқтираётган мазкур саволга яқин кунларда жавоб оламиз.

Редактор
А. Ғ. МУХТОРОВ.

ТЕЛЕВИЗОР ХИЗМАТДА

24 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 «Навқирон Россия». Тўққиз серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
10.10 «Баракалла!». Мактаб ўқувчиларининг серҳаракат ўйинлар бўйича мусобақаси. Душанбедан кўрсатилади.
10.50 «Табиат билан ҳамжиҳатликда». Телевизион ҳужжатли фильмлар: «У ерда, баланд тоғларда», «Қора қузғун», «Путоран платоси».
11.45 Янгиликлар.

* * *

16.00 Янгиликлар.
16.15 «Қайта қуриш прожектори».
16.25 Халқ куйлари.
16.40 Мультфильмлар.
17.10 «Асфальт тугайдиган жойда». «Ноқоратупроқ йўллари» Давлат программаси ҳақида. Ярославль областининг Некоуз райони мисолида.
18.00 «Салом, музика!». Ф. Шуберт асарларини СССР Давлат телерадиосининг болалар Катта хори ижро этади.
18.50 «Учинчи Украина фронти. Хроника ва хотиралар». Ҳужжатли фильм.
19.20 «Дунё воқеалари».
19.40 «Фидойи шахслар». Хат бўйича командировка. Касимово шаҳри маҳаллий Советининг депутати Е. Перевозчиков ҳақида.
20.25 «Навқирон Россия». Тўққиз серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Қайта қуриш прожектори».
22.15 «Останкино сарой-музейида музикали ёз». Литва ССРда хизмат кўрсатган республика камер оркестрининг чиқиши.
23.05 «Дунё воқеалари».
23.15 «Биз Пиросманини излаймиз». 1 ва 2-кўрсатувлар.
00.15 Шахмат. СССР чемпионати.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Римский-Корсаков ҳузурида музикали чоршанбаликлар». Фильм-концерт.
9.40 «Билмасвойнинг саргузаштлари». Мультфильм. 5 ва 6-қисмлар».
10.15 «Москва бўйлаб саёҳат. Қадимий Земляной вал ёқалаб». Ҳужжатли фильм.
10.35 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Совет қўшиқларидан концерт.
11.20 Болалар учун фильм. «Крошнинг таътиллари». 3-серия.
12.30 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
13.00 Дўстлар экрани. «Ой нуридаги отишма». Бадиий фильм.
14.20 «Сенинг қизиқишларинг олами». Ҳужжатли фильмлар: «Макаренко кўчасидаги театр», «Дастлаб рақс бўлган».
14.40 Янгиликлар.
14.50 «Болалигим тушга кирибди». Фильм-концерт.
15.20 Тақрорий телефильмлар кундузги сеанси. «Урушнинг узундан узоқ йўллари». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

* * *

18.35 Янгиликлар.
18.40 «Хатолар ороли». Мультфильм.
19.05 «Сафимизга тур, ўртоқ». 1987 йилги сиёсий қўшиқлар фестивалларида.
19.55 «Табиат билан ҳамжиҳатликда». Телевизион ҳужжатли фильмлар: «Тун қироличаси гуллаганда», «Саҳро тимсоҳи».
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
20.45 Халқ куйлари.
21.00 «Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун».
21.30 «Время».
22.05 «Қайта қуриш прожектори».
22.15 «Елабуга». Телевизион ҳужжатли фильм.
22.30 Футбол. СССР чемпионати. «Торпедо» — «Динамо» (Киев). 2-тайм.
23.20 Дўстлар экрани. «Ёвойи ит». Бадиий фильм (Куба).
00.35 Янгиликлар.

● ЎзТВ

15.05 «Тақдирлар». Телефильм.
15.35 «Бонивур қалби». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар (А. Довженко номли киностудия).
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Болалар учун фильмлар. «Чумчуқча», «Сеҳрли қуш».
18.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Пионерлар мамлакатида» (рус.).
19.00 «Хотира» туркумидан. А. Пўлканов ижоди.
19.40 «Ахборот» (рус.).
19.55 «Яшил аждаҳо». Катталар учун мультфильм (ичкиликнинг зарари ҳақида).
20.10 «Ахборот».
20.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Спартак» (Оржоникидзе). 2-тайм. «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади.
21.15 ЎзССРда хизмат кўрсатган артист С. Тўхтасинов чалади.
21.30 Москва. «Время».
22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори».
22.15 «Ахборот» танқид қилади...». Жиззах областидан кўрсатув.
22.40 О. Еқубов. «Улуғбек хазинаси». Видеофильм. 5-қисм.
23.40 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.

● ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.40 «Энг секин юрар поезд». Бадиий фильм (Свердловск киностудияси).
21.00 «Нотаниш қўшиқ». Телефильм.

ДУШАНБА КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время».
22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори».
22.15 «Ганжина». СССР халқ артисти А. Бобоқулов ва республика халқ артисти Б. Исҳоқова иштирокида музикали программа.
23.05 «Кино оламида».

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»— «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими —33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими —33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33, Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —32-54-52. Таржима бўлимлари —32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Г-09969. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. А. 2075. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12